

## Ўлмас УМАРБЕКОВ

### ШОШМА ҚУЁШ!

Саккиз кўринишли драматик қисса

#### ИШТИРОҚ ЭТУВЧИЛАР

Санобар Камолова— 60 ёшларда.

Санобар Камолова— 40 ёшларда.

Санобар Камолова— 20 ёшларда.

Рисолат— Санобарнинг келини 20, 40 ёшларда.

Баҳром— Санобарнинг ўғли 25 ёшларда.

Илҳом— Санобарнинг набираси 18 ёшларда.

Мақсуд Иброҳимов— Санобарнинг собиқ эри 25, 65 ёшларда.

Фотима хола— 40, 60 ёшларда.

Саксонбой ота.

Сарсонбой.

Муҳаббат.

Гулчеҳра.

I аёл

II аёл

III аёл

Султонбек.

Арслонбек.

Шокир.

Ингит.

Қиз.

Холмат ота.

I кампир.

II кампир.

Капитан.

Лейтенант.

## БИРИНЧИ ҚҰРИНИШ

Колхоз раисининг кабинети. Тонг. Санобар Камолова телефонда гаплашяпти.

Санобар. Мен сизга яна қайтариб айтаман. Ҳозир ғишт қолхозга ҳаводан ҳам зарур. Эллик кишини пахтадан олиб қурилишга ташлаганман. Бунинг нималигини тушунасизми? Лаббай? Менга қаранг, Останақулов. Эркак киши мард бўлиши керак. Бекинмачоқни келинпошша билан ўйнанг, мен билан эмас. Тўхта-танг, гапга қулоқ солинг, гапга қулоқ солинг, дейман. Агар икки кун ичида Халқободга қолган қирқ минг ғишт келиб тушмас экан, сиз билан обкомда гаплашаман. Гап тамом. *(Трубкани қўяди, бир оз хаёл билан туради ва бошқа телефон трубкасини олади.)* Турқинг қурсин. Коммутатор? Ҳалима, сенмисан? Ҳалиги, Холмат ота ёллаган адвокатни топиб бер менга ҳозир. Нима? Уйига телефон қил, ҳеч бало қилмайди эрта бўлса. Ғафлат босиб ётаверадими? *(Трубкани қўяди.)* Муҳаббат. *(Ҳеч ким жавоб бермайди.)* Ҳали эрта шекилли? *(Соатига қарайди.)* Эрта экан. *(Телефон жиринглайди.)* Эшитаман. Топдингми? Раҳмат, ўртоқ Қаримов. Салом, яхшимисиз? Мен Камоловаман, ҳа, Санобар Камолова. Раҳмат, ўртоқ Қаримов. Одамда инсоф бўлиши керак. Айниқса адвокатда. Кекса одам олдингизга дардига шифо ахтариб борса-ю...

Муҳаббат. Салом, Санобар Камоловна.

Санобар. Салом *(Ўрнидан туради.)* Мен иккинчи участкада бўламан. Обкомдан сўрашса улайсан. *(Муҳаббатга бир қараб қўяди.)* Ҳа, бугун бошқачароқсан? Тинчликми?

Муҳаббат *(уялиб)*. Тинчлик. *(Ийманиб.)* Хат олдим... Илҳомдан.

Санобар *(турган жойида тўхтаб қолади)*. Қачон?

Муҳаббат. Кечқурун борувдим. Почтада беришди.

Санобар. Яхши ҳам сен бор экансан. Онаси, бувисига ҳафталаб ёзмайди.

Муҳаббат. Менга ҳам икки ҳафтадан кейин ёздилар.

С а н о б а р. Хўш? Нима деяпти? *(Муҳаббат уялиб бошини эгади.)* Кечирасан. Тинчликми ишқилиб? Соғмишми?

М у ҳ а б б а т. Ҳа. Отделение командири бўлибдилар. Уйни соғиндим, дебдилар.

С а н о б а р. Уйнимас, сени соғингандир? Бизни бошига урармиди? Яна нима дебди?

М у ҳ а б б а т. Шу.

С а н о б а р. Яхши. Хат ёзарсан бугун? Ё ёзиб ҳам, жўнатиб ҳам бўлдингми?

М у ҳ а б б а т. Энди ёзаман.

С а н о б а р. Салом айт. Отпускасани қачонлигини сўра. Сенга аниқроқ ёзар.

М у ҳ а б б а т. Хўп бўлади. Отпускарарида Киевга ўтмоқчилар.

С а н о б а р. Киевда нима қилар экан?

М у ҳ а б б а т. Оталари, Баҳромжон акамнинг қабрларини кўриб келмоқчилар.

С а н о б а р. Тўғри уйга келсин. Киевга бирга борамиз. Уқдингми?

М у ҳ а б б а т. Уқдим. Киевга ўзлари бормоқчилар.

С а н о б а р. Мен сенга нима деяпман? Тўғри уйга келсин. Киевга бирга борамиз. Баҳром унга ота бўлса, менга ўғил.

М у ҳ а б б а т. Шундай деб ёзаманми?

С а н о б а р. Ўзингни ҳам қўш. Бирга борамиз, де.

М у ҳ а б б а т. Олиб борасизми?

С а н о б а р. Айтяпман-ку, бирга борамиз, деб. Ри-солат опанга айтма хат олганингни. Хафа бўлади. Менга ёзмапти деб. Хўп, мен кетдим.

М у ҳ а б б а т. Тўхтанг, бугун қабул кунингиз-ку? Қабулхонада одамлар кўп.

С а н о б а р. Хаёлимдан кўтарилибди. Бугун жумаку айтгандек. Чақир, ҳамма кирсин.

М у ҳ а б б а т. Хўп бўлади.*(Муҳаббат кабинет эшигини очади.)* Қиринглар. Ҳаммаларинг қиринглар. *(У қўлига блокнот олади. Кабинетга бирин-кетин икки чол, икки кампир, икки йигит ва бир қиз киришади.)*

С а н о б а р. Салом алайкўм. *(Ўрнидан туради, ҳамма билан қўл беришиб кўришади.)* Ҳаммаларинг билан баравар гаплашсак қаршилиқ йўқми? Ё бирон-нинг сирли гапи борми?

Х о л м а т о т а. Қариганда сир нима қилади? Кейин сендан бирон нарсани сир тутиб бўлармиди?

С а н о б а р. Яшанг, Холмат ота. Сиз бемалол уйга

кетаверинг. Гаплашиб қўйдим. Эртага бўлмаса, индинга неварангиз уйга кириб келади. Фақат бир мас-лаҳат. Уни энди ўзингиздан узоқлаштирманг. Ҳар бир қадамидан кўз-қулоқ бўлиб туринг. Қайтиб келсин, ўзим унга боп иш толиб бераман. Бораверинг.

Холмат ота. Умринг узоқ бўлсин, Санобар. Раҳмат.

Санобар. Хайр, отахон. (Холмат ота кетади.) Хўш, Саксонбой ота, сизда нима ташвиш?

Саксонбой ота. Қатта ўғлим, хабаринг бор, Москогдагиси...

Санобар. Ҳа, Ҳайдарали.

Саксонбой. Ҳайдарали, қариганимда шарманда қилиб қўйди, Санобар... (Ииғлаб юборади.)

Санобар. Ўзингизни босинг, ота. Нима бўлди? Ўзи омонми?

Саксонбой. Омон бўлмай кетсин бетамиз, су-юқоёқ.

Санобар. Нима қилибди?

Саксонбой ота. Учта боласи билан хотини бу ёқда, уёқда у уйланиб олибди, лаънати. Кеча билиб қолдим. Қумариқлик Орип карвоннинг ўғли пиёз олиб борган экан Маскопга. Бозорда кўриб қолибди. Бошига сават кийган бир хотин билан подручка қилиб юрганмиш. Чақирса қарамабди. Уялган-да, ит қопгур.

Санобар. Шунчаки юргандир балки? Танишидир? Ҳозир ёшларнинг кўпи шунақа, бир-бирининг тирсагидан ушлаб юради.

Саксонбой. Э, Санобар қизим. Ҳайдаралини билмайсан. Бекорга тирсагидан ушлаб юрадиганлардан эмас. Уйлантиргунча уни, нечта қизни уйдан ҳайдаганман ўзим. Хотин зотига ўч чиқди у ярамас.

Санобар. Нима десам бўлади. Ҳар ҳолда аввал текшириш керак. Ҳайдарали ақлли йигит.

Саксонбой. Ақлигу буёғи бўш чиқди, буёғи. Бормасам бўлмайди. Келинимнинг йиғисига тоқатим йўқ. Менга тўртта билет олдириб бер Маскопга, гостинса заказ қил. Бориб бўйнига арқон солиб олиб келаман.

Санобар. Тўхтаг, Саксонбой ота, шошилманг. Болаларни ҳам олиб бормоқчимисиз?

Саксонбой. Ҳа-да. Кўрсин ўша маржа қиз кимни илаштириб юганини.

Санобар. Бундай қиламиз, Саксонбой ота. Бир ҳафтадан кейин мен Олий Советнинг сессиясига бо-

раман. Сизни олиб кетаман. Ҳозирча ўзингизни босинг. Баъзан кўчадаги гап уйга тўғри келмайди. Ҳеч гап йўқдир балки, ўша Ориф аканинг ўғли адашаётгандир? Нима дедингиз?

Саксонбой. Сен шундоқ десанг, майли. Розиман.

Санобар. Муҳаббат, ёзиб қўй Москвага Саксонбой ота билан бирга кетамиз. Бўлдими, отахон?

Саксонбой. Бўлди, бўлди. (Кетади.)

Санобар (орқасидан қичқиради). Келинга айтинг, менга бир учраб кетсин. (Кабинет бурчагида ўтирган кампирларга яқинлашади.) Анзират хола, келинг, сизда нима гап? Ортиғбуш опа, сизда-чи?

Ортиғбуш. Мен, раис, ўртоғим билан келдим. Ёлғизлик қилмасин, деб.

Санобар. Тузук, тузук. Эшитаман, Анзират хола. Нима гап?

Анзират. Гап кўп. (Ешларга ишора қилади.) Буларни жўнатасанми, дейман аввал?

Санобар. Майли, сиз айтганча бўлсин. (Ешларга.) Хўш, келинлар? Бугун тўй. Шундайми?

Қиз. Шундай бўлиб қолди.

Йигит. Дадам юбордилар.

Санобар. Агар даданг юбормаса келмасмидинг?

Йигит. Ундаймас, келардим. Яна тайинлаб юбордилар-да. Соат еттида.

Санобар. Табриклайман. Қўша қаринлар. Албатта бораман.

Йигит. Дадам, Санобар опанг очиб бермаса бўлмайди тўйни, шундай орзу қилганман, дедилар. Биз ҳам илтимос қиламиз.

Қиз. Келинг, Санобар опа.

Санобар. Бораман. Сизлар бориб, бошқа ишларингни қилаверинлар. Албатта бораман. (Ешлар хурсанд кетишади.) Муҳаббат, Шокир аканга айт. Келин-куёвнинг уйдан хабар олсин. Камчилиги бўлса берсин.

Муҳаббат. Хўп бўлади. (Блокнотига ёзиб қўяди).

Санобар (кампирларга). Мана энди ёлғизмиз. Гапираверинлар бемалол. Нима ташвиш?

Ортиғбуш (ўртоғига). Гапир. Ҳеч нарсани яширмасдан гапир. Санобар тушунади.

Анзират. Санобар, қизим, бешта ўғлим борлигини биласан. Ҳаммаси алпдай-алпдай йигитлар. Ке-

линларим ҳам яхши. Еганим олдимда, емаганим ортимда. Ҳамма қариса мендай қарисин. Тўкин-чочин, бағри бутун қарисин. Шундоқ дейману, лекин битта шикоятим бор.

С а н о б а р. Хўш?

А н з и р а т. Шу пайтгача болаларимнинг ҳаммаси ойлигидан ўттиз парасанини менга берарди. Масалан, тўнғичим, Ҳакимим, ўн йилдан бери уч юз сўм олади ойига. Доцент. Катта доцент. Тўқсон сўмини канда қилмай менга беради. Ундан кейингиси, Олим, у ҳам шу. Ҳар ойда нақд саксон сўм ташлаб кетади. Кейинги пайтда Салимим, сенда мол дўхтири, айниб қолди. Уч ойдан бери, уч ярим ойдан бери етмиш беш сўм ўрнига қирқ сўмдан берадиган бўлиб қолди. Менга унинг пули керак эмас, мени тўғри тушун, шунча пулни нима, пишириб ермидим? Йил ўтиши билан ҳаммасини тийинини хато қилмай, ўзларига қайтариб бераман яхлит қилиб. Курортга боришадими, телевизор олишадими, ҳалиги атласми, нима қилса қилишади. Мени куйдириб турган нарса — Салимимни ўзи. Эркак кишининг пули тортилдими — ишини мазаси йўқ. Нега шундоқ, нима бўлдийкин, деб ўртоғимни бошлаб олдингга келдим. Менга рўйи-ростини айт, ўзи бизга ҳеч нарса айтмайди. Тушундингми?

С а н о б а р (*қулиб*). Тушундим, опа, тушундим. Салимжон катта ихтиро билан банд. Нима деб тушунтирсам экан? Салимжон янгича бир фермани ўйлапти. Думалоқ ферма. Бир одам юзта сигирга қараши мумкин. Келиним, Рисолат ҳам шу билан банд. Йил ўтмай, шу фермани қуриб битирамиз. Салимжоннинг ишлари ўшанда аввалгидан ҳам яхши бўлиб кетади.

А н з и р а т. Мени алдамаяпсанми?

С а н о б а р. Алдаб нима қиламан? Чин гапни айт-япман. Тинч бўлаверинг. Салимжон яхши доктор. Яхши одам.

А н з и р а т. Раҳмат. Бизга энди рухсат.

С а н о б а р. Боринглар. Хавотир олманг. Ўғлингизнинг ишлари яхши.

А н з и р а т. Мен келганимни унга зерро айта кўрма.

С а н о б а р. Хўп. Муҳаббат, кузатиб қўй. (*Муҳаббат кампирларни етаклаб чиқиб кетади. Санобар телефон қилади.*) Иккинчими? Қудрат Саидович. Мен ушланиб қолдим. Ярим соатда етиб бораман. Партком ҳам кетмай турсин. Қечаги сводка учун иккаловингиз

жавоб берасиз. Мени уялтириб қўйдиларинг. (Ховлиқиб Муҳаббат киради).

Муҳаббат. Санобар опа. Иккита офицер келди. Илҳомнинг олдиданмиш.

Санобар. Илҳомнинг олдидан? Чақир. (Ўзи эшик томон юради. Муҳаббат югуриб бориб эшикни очади, офицерларни таклиф қилади. Улар киришади.) Келинглр?

1-офицер. Салом, Санобар Камоловна. Капитан Мирошниченко.

2-офицер. Старший лейтенант Миронов.

Офицерлар честь бериб, фуражкаларини қўлларига олишади.

1-офицер. Бзовта қилганимиз учун кечиринг.

Санобар. Ҳечқиси йўқ. Мен хурсандман. (Санобар шундай дейдию, лекин ҳаяжонга тушади. «Нима буларни бошлаб келди экан, тинчликми», хаёлидан ўтади унинг). Марҳамат, ўтиринглр. (Офицерлар бири-бирига қараб, Санобар кўрсатган жойга ўтиришади.) Неварам, Илҳомжон қисмиданмисизлар?

1-офицер. Худди шундай. Мен батальон командириман. Старший лейтенант Миронов рота политруки.

Санобар. Жуда яхши. Муҳаббат, чой олиб кел.

Муҳаббат. Ҳозир.

2-офицер. Йўқ, йўқ, ҳожати йўқ. (Капитанга қарайди).

1-офицер. Раҳмат. Санобар Камоловна... (У ўрнидан туради, лейтенант ҳам.) Биз... биз...

Санобар. Тинчликми?

1-офицер. Йўқ, Санобар Камоловна, биз хунук хабар билан келдик. Неварангиз... гвардиячи сержант Илҳом Камолов... чегарани бузиб ўтаётган душман тўдаси билан бўлган оғир жангда қаҳрамонларча ҳалок бўлди. (Муҳаббат қичқириб юборади. Санобар ранги йиғиб, оҳиста жойига ўтириб қолади. Лейтенант графидан сув олиб унга тутқазади, аммо у ичмайди.)

Санобар. Қандай қилиб? Нима бўлди?

1-офицер. Душман етти киши бўлган. Улар эса атиги икки киши. Биз етиб боргунча, Илҳом жанг қилишга қарор қилган, уларни чалғитиб туришни истамаган.

2-офицер. Илҳом Камолов... ротамизнинг фахри эди. Ботир, ақлли, камтар, актив жамоатчи, меҳрибон дўст... уни яқиндагина отделение командири қилиб тайинлаган эдик... Округ қўмондонлиги уни жанговар

Қизил Байроқ орденига тақдим этди. Қисмимиз рўй-хати бундан буён унинг фамилияси билан очилади... Илҳом қаторимизда абадий қолади.

С а н о б а р. Илҳом... Болажоним... Уни кўрсам бўладими?

1-офицер. Ҳа. Эртага қисмда уни кўмиш маросими.

С а н о б а р. Бораман.

2-офицер. Маросим соат тўртга мўлжалланган. Аммо сизни кутамиз.

1-офицер. Санобар Камоловна, биз оғир вазифа билан олдингизга келдик. Кечиринг, бардам бўлинг. Сизга, Илҳомнинг онасига сабр тилайман. Сиз у билан фахрланишингиз керак. Бардам бўлинг. Хайр. *(Офицерлар чиқиб кетишади.)*

Муҳаббат *(ўзини Санобарнинг тиззалирга ташлайди)*. Санобар опа. Энди нима қиламиз? Кимдан айрилиб қолдик, кимдан? Мен уни яхши кўрардим. Қайтишини соатигача санаб кутиб ётувдим.

С а н о б а р. Билаган, қизим, билаган.

Муҳаббат. Мен ҳам бораман олдига. Ҳозироқ бораман. *(Шошиб ўрнидан туради.)* Илҳом, жонгинам.

С а н о б а р. Ўзингни бос, Муҳаббат. Борасан. Эртага бирга борамиз. Бирга кўмамиз...

Муҳаббат. Кўмамиз? *(Баттар йиғлаб юборади.)* Илҳомни кўмамиз? Бу қандай кўргилик, Санобар опа?

С а н о б а р. Бўлди, тинчлан. *(Ўрнидан туради.)* Тинчлан. Бугун... ҳеч кимга айтма. Эшитяпсанми! Бугун ҳеч кимга айтма. Собирларнинг тўйи бузилмасин.

Муҳаббат. Тўй. Буёқда тўй. *(Йиғлайди.)* Уёқда бўлса, Илҳом... Илҳом ўлиб ётибди.

С а н о б а р. Ҳа, Илҳом энди йўқ... Ҳаёт шу. Кимнинг уйида тўй, кимнинг уйида аза. Дунё яралганидан бери шундай. Тинчлан. Гапимни эшитдингми? Бугун ҳеч ким билмасин. Айниқса, Рисолат. Уқдингми?

Муҳаббат. Ҳа.

С а н о б а р. Мен кетдим. Ҳеч ким учун мен йўқман. Уқдингми? Ҳеч ким учун. *(Кета бошлайди. Тўхтайдди.)* Тушдан кейин Тошкентга телефон қил. Холмат отанинг адвокати билан гаплаш. Неварасини эртага озод қилиши керак. Суриштир. Уқдингми? *(Муҳаббат бошини қимирлатади. Санобар унинг ёнига келиб, бошидан ўради.)* Ўзингни қўлга ол. Ҳали ёшсан. Яшаш керак. Илҳомни... неварамни шунчалик яхши кўрар экансан, Раҳмат... Раҳмат. *(У ғандирақлаб кетади.)*



Муҳаббат: Кузатиб қўяйми?  
Санобар: Йўқ, ўзим. (Санобар битта-битта қадам қўйиб чиқиб кетади.)

Парда

## ИККИНЧИ КҶРИНИШ

Санобарнинг уйи. У ўз хонасига кириб, кўнглига эрк беради. Аввал ўзини тутиб туради, телевизорни артган бўлади, радионинг қулоғини бурайди, шу заҳотиёқ ўчиради. Кейин бирдан ўзини каравотга ташлаб йиғлаб юборади.

Санобар. Илҳом... болагинам... Нима қилиб кетдинг, ёлғизим болам?

Рисолат. Ойи? Нима қилиб уйда ўтирибсиз?

Санобар. Сал бошим оғриди. Ўзинг нега келдинг?

Рисолат. Қийиниб олмоқчиман. Салимжон билан станцияга бормоқчимиз. Таллиндан сотиб олган бузоқларимиз келиб қолибди. Энди бизни уришмасангиз ҳам бўлади.

Санобар. Тузук. Қачон қайтасан?

Рисолат. Кечгача қайтамыз. Ҳар ҳолда тўйга етиб келаман. Нима эди? Йўқ, тобингиз анчагина йўққа ўхшайди. Назаримда, иситмангиз бор, ойи?

Санобар. Йўқ, сал қизиб турибман. Шошиб келдим-да.

Рисолат. Дори-пори ичдингизми?

Санобар. Утиб кетади ҳозир.

Рисолат. Доим шунақа дейсиз. Ўзингизга қарамайсиз. Бунақада ётиб қолишнгиз мумкин. Қатиқ берайми?

Санобар. Йўқ. Менга қара. Менинг ...Олма-отага бориб келадиган ишим чиқиб қолди. Борасанми? Ўғлингни... Илҳомни кўриб келамиз...

Рисолат. Ойижон. Бўлмасам-чи. Албатта бораман. Аммо бузоқларим нима бўлади?

Санобар. Бузоқларинг ўлиб қолмас. Тайёргарлик кўриб қўй келиб. Эрталаб жўнаймиз.

Рисолат. Унда тўйга чиқмайман. Ҳозир Анзират холамниқига кириб кетаман. Патир, бўғирсоқ ёпиб берсинлар. Ойижон, ойижон... Қаёқдан келди бу фикр бошингизга. Бирам соғинувдим Илҳомни. Бирам соғинувдим. Тушларимга кириб юрувди кейинги кунларда.

Сизга айтгани кўрқувдим, уришасиз деб. Ёмон тушлар кўриб юрувдим. Нуқул яланғоч кўраман боламни. Кечагиси жудаям ёмон. Хом гўшт еб ўтирганмиш да-рахтнинг учида. Бирам кўрқиб кетдим.

С а н о б а р. Бўлди. Туш кўрмай кет. Келиш-дикми?

Р и с о л а т. Бўлмаса-чи. Кийимларидан ҳам олиб оламан. Кечқурун елкасига тўн ташлаб ўтиришни яхши кўрарди.

С а н о б а р. Билганигни қил. Муҳаббат ҳам бо-ради.

Р и с о л а т. Муҳаббат? Ўша қақилдоғ-а?

С а н о б а р. Унга нима қилибди?

Р и с о л а т. Нима десангиз денгу, ойи, лекин шу ишни чакки қиляпсиз. Илҳомингиз ҳали ёш. Севги нималигини билмайди ҳали. Бир вагон қиз унга ишқибоз. Муҳаббат ҳам шулардан биттаси. Ишонмайман ўғлингиз уни севишига. Шунчаки, ёшлик-да.

С а н о б а р. Ўзинг нечада эдинг Баҳромга текка-нингда.

Р и с о л а т. Биз бир-биримизни яхши кўрардик...

С а н о б а р. Булар ҳам яхши кўради. Тўққизинчи синфдан бери иккови дўст.

Р и с о л а т. Нима қилибди? Одамлар уч-тўрт бола кўриб ажраб кетишяпти?

С а н о б а р. Бўлди. Ҳозир бу гапнинг мавриди эмас. Муҳаббат ҳам боради. Олиб бормасак, Илҳом хафа бўлади. Бор, бузоқларинг кутиб қолди.

Р и с о л а т. Ойи? Тинчликми? Юрагим ғаш бўлиб кетди негадир.

С а н о б а р. Тинчлик. Бор, ишингдан қолма. Эртага ўғлингизни кўрамин.

Р и с о л а т. Тўйга чиқмайман. Айтиб қўясиз. Кет-дим.

Кўз олдига невараси армияга жўнаётган кун келади.

## УЧУНЧИ ҚҰРИНИШ

Илҳом у хонадан бу хонага ўтиб, нарсаларини йиғиштиряпти. Санобар киради. У ҳаяжонда. Афтидан неварасининг ниятини билади.

С а н о б а р. Нима қиляпсан?

И л ҳ о м. Ҳа, сизмисиз, ойи?

С а н о б а р . Нима қиялсан, деяпман...

И л ҳ о м . Ўзим шундай... Нарсаларимни бир тартибга солиб қўяй деяпман-да. Манави свитеримни қаранг, негадир сизнинг хонангизда ётибди. Курткам бўлса опамнинг хонасида. Мен йўғимда князизларми нима бало?

С а н о б а р . Қаёққа отланяпсан?

И л ҳ о м . Айтдим-ку, шунчаки йиғиштиряпман деб. Уй бетартиб бўлиб кетибди.

С а н о б а р . Мени чалғитма, бола. Айтмасанг ҳам биламан. Қароринг қатъийми?

И л ҳ о м . Ҳа, қатъий, ойи.

С а н о б а р . Балки... шошилаётгандирсан? Ҳарбий хизмат қочиб кетмайди. Институтларда ҳам ўтилади.

И л ҳ о м . Биламан, ойи. Институтни битириб офицер бўлиш ҳеч гап эмас. Мен хизмат қилиб келмоқчиман.

С а н о б а р . Ўқиш-чи?

И л ҳ о м . Қайтиб келиб, ўқийман. Албатта ўқийман. Хавотир олманг. Ҳарбий хизмат ҳар бир йигитнинг бошида бор. Биз синфимиздаги ҳамма ўғил болалар аввал хизмат қилишга, кейин ўқишга қарор қилдик. Боенкоматдагилар рози бўлишди. Уч йил бирпасда ўтиб кетади, ойи. Ҳар ой, йўқ, ҳар ҳафта хат ёзиб тураман. Баъзи болалар менга ишонимаяпти. Олтин медаль билан мактабни битирасану ойинг сени армияга юборармиди? Москвага борсанг керак, дейишяпти. Мен энди мустақилман, дедим. Нима истасам, шуни қиламан, дедим. Тўғри айтибманми, ойи?

С а н о б а р . Ҳа, мустақил бўлганда қандоқ? Жудаям мустақилсан.

И л ҳ о м . Мен ҳам шундай дедим. Айниқса Уктам бақалоқ ишонмаяпти. Дадасидан жуда қўрқади-да, дадаси нима деса шуни қилади. Билмадим, ҳали ўзи нима қиларкин? Қочиб қолмасайди дадасига қулоқ солиб. Менга бари бир. Нима қилсам қилавераман.

С а н о б а р . Опанг билмадимми?

И л ҳ о м . Опамга сиз айтасиз-да. Мен айтсам, биласиз-ку, олдиларига солиб қувадилар. Опам учун мен ҳалиям боламан. Иложи бўлса, бешикка белаб қўйсалар... Ваҳоланки...

С а н о б а р . Чакки қилибсан. Опангга айтишинг керак эди ўзинг.

И л ҳ о м . Айтардим. Уртоқларимнинг олдида уялтирадилар-да.

Санобар. Йиғинларинг қачон?  
Илҳом. Соат иккида, мактабда. Бугун кечқурун-  
ги поездда Олмаотага жўнаймиз.

Санобар. Буёққа кел. Хат ёзиб тур тез-тез. Да-  
дангдек мард бўл.

Илҳом. Раҳмат, ойи.

Санобар. Мактабга бораман. (Рисолат киради.)

Рисолат. Мен кимман сенга? Мен кимман? Бу-  
тун қишлоқ билсаю мен билмасам? Ойи, бу қандай  
жўргилик? Онаманми мен унга ё йўқми?

Илҳом. Ҳозир кетаётувдим, опа, олдингизга.

Рисолат. Кетаётувдим? Тилинг бор экан-ку. Шу-  
ни кеча айтсанг бўлмасмиди? Ҳеч қаёққа бормаيسان.  
Ҳеч қаёққа юбормайман. Мени ўнта ўғлим йўқ. Бит-  
таси кетса, тўққизтаси этагимни ушлаб юрадиган. Ар-  
миямиш? Армия сизга зормиди, этингиз суягингизга  
ёпишиб ётибди-ку. Ойи? Сиз нега индамайсиз? Ҳа, би-  
ламан. Сизларнинг тилларингиз бир. Бегонаман мен  
бу уйда. Бегона эдим, бегона бўлиб ўтаман. Ҳеч қаёқ-  
қа бормаيسان. Эшитяпсанми? Ҳеч қаёққа.

Илҳом. Бўлди, бўлди, эшитяпман.

Рисолат. Ўламан саттор, аммо сени ҳеч қаёққа  
юбормайман. Эшитяпсанми?

Илҳом. Эшитяпман, дедим-ку? Ҳозир бориб сўра-  
моқчийдим. Олдингиздан ўтмоқчийдим. Ҳамма тенг-  
қурларим кетяпти, мен ҳам борсам майлими, демоқ-  
чийдим.

Рисолат. Бормаيسان, юбормайман.

Илҳом. Бўлди. Сизнинг гапингиз гап. Бормаи-  
ман. Бошқалар борсин.

Рисолат. Бошқалар борсин.

Илҳом. Мен институтга кираман. ТошМИга, леч-  
факка.

Рисолат. Институтга кирасан. ТошМИга, леч-  
факка.

Илҳом. Доктор бўламан.

Рисолат. Доктор бўласан.

Илҳом. Инга... инга. Болалар доктори.

Рисолат. Болалар доктори. Куляпсанми? Ойи,  
эшитяпсизми? У мени, онасини мазах қиляпти. Нима  
гуноҳ қилдим сенга? Қумурсқадек топганимни уйга  
ташисам. Айтганингни қилсам. Нега мени ташлаб ке-  
тасан?

Санобар. Рисолат. Нималар деяпсан? Сенда ни-  
ма гуноҳ бўлсин? Шунчаки, ўртоқлари билан аҳд қи-

лишибди. Институтдан олдин армияда хизмат қиламиз, дейишибди. Бунинг нимаси ёмон?

Рисолат. Неварангиздан чиққан бу ақл. Уртоқларини ҳам шу йўлдан урган. Биладан. Тинч юрсанг бўлмайдими, а, Илҳом? Болам, нега энди ҳамма қилган ишни қилмайсан? Армияга биласанми кимлар боради? Уқишга киролмаганлар боради. Ундаям ўзлари бормайди, олиб кетишади. Сени нима жин урди? Олтин медаль олган одам тўғри институтга бормайдими, ойи?

Илҳом. ТошМИга.

Рисолат. Ҳа, ТошМИга. Яна куляпсанми? Кул. Онанг оми. Нима қилай, ўқий олмадим. Даданг бўлганида ўқитарди. Сени ўйладим. Сени ўқитдим. Нега бунчалик ўзбошимчасан, Илҳом?

Илҳом. Бўлди, бўлди. Бормайман, дедим, тамом, бормайман. Ўзингизни босинг. Чамадонни бир чеккага қўйинг. Керак бўлади. ТошМИга кираётганимда.

Рисолат. Яна куляпсанми?

Илҳом. Опа. Мен сиздан ҳеч қачон кулмайман. Гап тамом. Энди менга рухсат.

Рисолат. Қаёққа?

Илҳом. Уртоқларим билан хайрлашиб келай, ўзим бормаганимдан кейин. Тагин устимдан кулиб юришмасин. Кулишса, опам юбормаяптилар, дейман. Ёлғиз ўғилман, дейман. Паспорт олганим, мактабимни битирганимга қарамай, опамга болиш бўлишим керак, бўлмаса ухлолмайдилар, дейман. Бизнинг тинчлигимизни сенлар қўриқлаларинг дейман.

Рисолат. Илҳом.

Илҳом. Бўлди, келишдик. Бошқа гап йўқ. Рухсатми, шундай деб келсам?

Санобар. Бекор қилдинг. Болани хафа қилдинг.

Рисолат. Мен доим ноҳақман. Икковинглар доим ҳақсизлар.

Санобар. Жанжаллашма. Армияда хизмат қилиб келиш ҳар бир йигитнинг бошида бор. Бунинг ёмон жойи йўқ. Бу ҳам қарз, ҳам фарз. Илҳом ҳали ёш, армиядан қайтиб, ўқийди. Қайтанга яхши. Армияда анча эсини йиғиб олади. Оқ-қорани танийди. Бирон ҳунар орттириб келади. Борсин.

Рисолат. Мен бормасин деяпманми?

Санобар. Нега тўполон қиляпсан бўлмаса?

Рисолат. Уч йил ёлғиз қоламанми, ойи?

Санобар. Қичкина боламидинг? Уч йил кўз очиб

юмгунча ўтиб кетади. Кейин раъйини қайтарма уни. Ўғлинг ақлли бола. Нима қилаётганини билади. Сенинг эркалаларингга суюлиб кетганда нима бўларди?

Рисолат. Сиз айтсангиз қулоқ соларди. Сиздан ҳайиқади, айтганингизни қилади.

Санобар. Чунки мен сенга ўхшаб аҳмоқона гапларни гапирмайман.

Рисолат. Ҳа... Сиз одилсиз. Ҳаммага баравар қарайсиз. Ўз фарзандингиз билан бировнинг боласини сизга фарқи йўқ. Бўлмаса ўзингиз Баҳром акамни ўз қўлингиз билан ўлимга юбормасдингиз.

Санобар. Рисолат, тилингни тий. Баҳром сенга эр бўлса, менга ўғил. Ҳамма йигитларни ўзим урушга жўнатиб, уни олиб қолганимда юртда бошимни қандай кўтариб юардим?

Рисолат. Уни олиб қолишмоқчи эди. Сиз кўнмадингиз.

Санобар. Кўнмадим. Кўнмасдим ҳам. Йигирма йил ўтди ўшандан бери. Қанча ўйламай, ўзимни ҳақ деб биламан. Катта бўлганинг сари тилинг заҳар бўлиб кетяпти. Мен уни ўлимга юборганим йўқ. Курашсин, жанг қилсин, деб юбордим. Сени йигирма ёшингда тул қолсин, деб юборганим йўқ. Сен яшагин, тинч бўлгин, бир бурда нонга зор бўлмагин, кийингин, ясангин, деб юбордим. Умри қисқа экан. Аммо, Баҳром ўз ажали билан ўлгани йўқ, биров билан кўчада пичоқлашиб ўлгани йўқ. Душман билан олишиб ҳалок бўлди у. Аммо менга у тирик.

Рисолат. Кечиринг, ойи.

Санобар. Биламан, сенга оғир. Ёш қолдинг, ёлғиз. Бошқа турмуш қилмадинг. Баъзи эри қайтмаганлар эр қилиб кетишди. Бола-чақалик бўлишди. Сен бир ўғил билан қолдинг. Сенга оғир. Аммо фақат сенгамас. Сендақалар оз эмас. Пешонамизда шу ғам, шу ташвиш бор экан, нима қиламиз энди. Ўша қайтмаган эрларимиз, ўғилларимиз ҳурмати яшашимиз керак. Бошимизни баланд кўтариб, дардимизни ичимизга ютиб. Илҳомга рухсат бер. Уртоқларининг олдида уялмасин. Кейин ўйнагани эмас, хайрли ишга кетяпти.

Рисолат. Нима ҳам дердим. Сиз ҳақсиз. Иссиқ кийимларини олганмикан?

## ТҮРТИНЧИ КҮРИНИШ

Санобарнинг уйи. Ҳозирги, 60 ёшларга борган Санобар Қамолова ўз хонасида биринчи кўринишдаги ҳолатда ўтирибди. 40 ёшлик Санобар оғзида нон тишлаган ҳолда хонага қиради. У шошил-япти. Шифонерни очиб, кийимларини титкилай бошлайди.

60 ёшдаги Санобар. Қаёққа шошиляпсан?

40 ёшдаги Санобар. Районга.

60 ёшдаги Санобар. Танимадингми?

40 ёшдаги Санобар. Йўқ. Танишдек кўрин-япсизу, лекин...

60 ёшдаги Санобар. Ҳа, энди, ёш эмасман. Олтмишга бордим. Сочларим оқарди. Юзларимни ажин босди. Сенинг ҳам мазанг кетибди. Илгариги Санобар эмассан.

40 ёшдаги Санобар. Уруш қаритди. Менинг ҳам сочларим ўрганимда тўпиғимга тегиб турарди. Қалин эди.

60 ёшдаги Санобар. Биладан. Кўчага чиқолмасдинг йигитларнинг дастидан. Ҳаммасининг кўзи сенда эди.

40 ёшдаги Санобар. Эҳ-ҳа, бунга минг йил бўлиб кетди.

60 ёшдаги Санобар. Менинг эсимда.

40 ёшдаги Санобар. Қаердан биласиз? Нима қилиб ўтирибсиз бу ерда?

60 ёшдаги Санобар. Ўзимнинг уйимда ўтирибман.

40 ёшдаги Санобар. Ўзимнинг уйимда? Қизиқ гапларни гапиряпсиз. Бу уй менинг уйим. Отам қурган. Ҳар бир ёғочини биладан мен бу уйнинг.

60 ёшдаги Санобар. Мана шу хонанинг устунлари қумариқнинг лабидаги тераклар. Бу хона кейин қурилган.

40 ёшдаги Санобар. Ҳа, мен бўйимга етганимда. Аммо раҳматли отам тўйимни кўролмадилар. Эргаш кўрбошининг одамлари ўлдириб кетди. Яхшиям кўрмадилар тўйимни.

60 ёшдаги Санобар. Қўй, ўша кунларни эслама. Тўхта, бу кўйлакни кийма. Сенга ярашмайди. Ўзинг бир бурда бўлиб қолгансан. Бу кўйлақда кампир бўласан-қўясан. Нўхат гуллигини кий. Пальтоннинг орқасида осиглиқ турибди. Пальтони нафталинлаб сандиққа солиб қўйишинг керак эди. Шуни ҳам қилмабсан.

40 ёшдаги Санобар. Менинг кийимларимни қаердан биласиз? Кимсиз ўзи?

60 ёшдаги Санобар. Мен сенман.

40 ёшдаги Санобар. Тавба. Қаёқдаги гапларни гапирасиз-а? Нима ишингиз бор менда, айтингу ишингизни битириб кетинг. Шошиб турибман.

60 ёшдаги Санобар. Мени ҳеч қандай ишим йўқ. Ўз уйимда, яхши кўрган жойимда ўтирибман. Оғир пайтлар, юрагим эзилиб турган пайтлар шу жойда ўтириб, миямни тўплаб оламан.

40 ёшдаги Санобар. Очiqроқ гапирсангиз-чи, кимсиз ўзи?

60 ёшдаги Санобар. Айтяпман-ку сенман деб. Сен менсан. Фақат фарқимиз бор. Фарқимиз — фақат мен сендан 20 йил кейинги, ҳа, роппа-роса йигирма йил кейинги Санобарман. Уйимиз ҳам битта. Кийимимиз ҳам. Ўзимиз ҳам. Фақат мен қаридим. Уруш битгандан кейин сен яна ўзингга келасан. Очилиб кетасан. Мен бўлсам йўқ. Менга энди ҳеч нарса ёрдам қилмайди. На бўёқ, на ҳаво, на дори.

40 ёшдаги Санобар. Йўқ, бари бир, ҳеч нарсага тушунмаяпман...

60 ёшдаги Санобар. Бу табиий. Одам қарилгини тасаввур қилиши қийин. Ёшлигини эслайди. Мен чақирдим сени.

Санобар. Станция. Станция. Нега жавоб бермайсизлар? Станция. (*Репродуктордан дикторнинг овози эшитилади.*) Дикқат. Дикқат. Совинформбюро ахборотини эшиттирамиз. Бугун 21 август куни — Москва вақти билан соат 8 да Совет Белоруссиясининг яна бир шаҳри немис босқинчиларидан озод қилинди. (*Кабинетга Саксонбой ота киради.*)

Саксонбой. Эшитдингми, Санобар? Яна битта шаҳарни қайтариб олдик. Санаб чиқсам, Сталинграддан кейин ўттиз тўртта шаҳар озод қилинибди. Бунақада ҳали замон уруш тугаб қолади.

Санобар. Станция. Нима бало, кармисизлар? Қани машина? Бугун келади состав деган эдиларингку? Менга қара, Останақулов, райкомнинг қарори билан ўнта трофей машина бизнинг колхозга ажратилган. Ўнта юк машинаси. Оппелингни бошимга ураманми? От ҳам бўлаверади менга. Эшитдингми? Ўнта. Агар бегона қилиб юборсанг, сен билан райкомда гаплашман. Энди эшит. Нега шу пайтгача сабзавотни жўнатмадинг? Кейин чириб кетди деб акт тузасанми? Менга



айёрлик қилма. Агар бир килограммигача хато жўна-  
тар экансан, партбилетинг билан жавоб берасан. Мен  
дўқ қилаётганим йўқ. Сени яхши билганимдан айтяп-  
ман. Ҳа, ҳа, аллақачон бўшаттирдим, афсуски бе-  
корчи эркак йўқ. Уруш тугасин, йигитларимиз қайтсин,  
ўшанда сен билан гаплашаман. Урнингга одам топил-  
маганини биласан-да. Бўлди, гапим тамом. (Трубкани  
қўяди.) Юлғич... Муттаҳам. Келинг, Саксонбой ака.  
Тинчликми?

Саксонбой. Тинчлик. Анор кўп, терадиган одам  
кам. Ерилиб кетяпти. Нима қиламиз?

Санобар. Озгина сабр қилинг, чеканкадан қу-  
тулайлик, ҳамма хотин-қиз, болаларни сизга бераман.  
Териб оласиз.

Саксонбой. Раҳмат. Бу гапинг яхши бўлди.  
Кетдим бўлмаса.

Санобар. Тўхтанг. Теришга-ку, териб оламиз.  
Кейин нима қиламиз? Бозор ҳам арзон. Овора бўлган-  
га арзимади.

Саксонбой. Нима қиламиз дейсан? Анор жони-  
вор баҳоргача бузилмай турса, бола-чақанинг жони-  
ҳоли-ку?

Санобар. Кўпчиликнинг томорқасида бор анор.  
Сотган билан ҳам тамом қилиб бўлмайди. Жўнатсак-  
чи? Вагонларга ортиб?

Саксонбой. Қаёққа?

Санобар. Ҳозиргина озод қилинган шаҳарга. Го-  
мелга. Ўзбек деҳқонларидан совға.

Саксонбой. Шу хаёлга келмабди. Омон бўл,  
баракалла.

Санобар. Бўлмаса, станцияга ўзингиз бориб ке-  
линг. Останақуловга тушунтириб айтинг. Иккита ва-  
гон берсин. Икки вагон чиқадими?

Саксонбой. Ундан ҳам ортади.

Эшик тарақлаб очилиб, кекса шоп мўйлов милиционер киради.

Милиционер. Мумкинми? Ўртоқ Қамолова.  
Участковой милиционер Сарсенбой Сигизбаев доклад-  
вит этади.

Санобар. Эшитаман, ўртоқ Сигизбоев? Сиз бо-  
раверинг, Саксонбой ака. Тинчликми?

Милиционер. Сақшилиқ қилиб бораётиб эдим,  
ўртоқ Қамолова. Устахонадан Шокир бригада чиқди.  
Бай, бай, бай. Рангидан ранг жўқ. Шап қўлини қийик

билан ўраб боради. Не қилди, чироқ, дедим. Уроқ кесиб кетди, дохтурга боряпман, деди. Медпунктга ўзим етаклаб бордим. Мастура дарҳол ечиб, қўлини юва бошлади. Қарадим. Бай-бай... Ўртоқ Камолова... Уч панжаси йўқ. Қўл эмас, энди у, косов денг ўзи.

С а н о б а р. Нима қилиб кесибди?

Милиционер. Кесган эмас, ўртоқ Камолова. Чўрт чопиб ташлаган.

С а н о б а р. Чопиб ташлаган?

Милиционер. Ҳа-да, ўртоқ Камолова. Уроқ суягиминан, кесиб тушмайди. Бир вақтлар ўроқ ўрганман, биламан. Не қилдинг, айт, деб дўқ қилдим. Чурқ этмайди. Кўзидан ёш оқиб турибди. Югуриб устахонага бордим. Не ҳол, ўртоқ Камолова? Абдурайим устанинг урушга кетгандан бери занглаб ётган тешаси қон бўлиб ётибди. Шокир аҳмоқ ўзи ўз қўлини чопиб ташлабди. Қўл эмас, энди бу, косов. Қуни кеча повестка келган эди. Фронтга бормапман деб, шундай қилган, итнинг боласи. Унг қўлингни чопмайсанми, аҳмоқ? Чап қўлсиз ҳам урушга олаберади.

С а н о б а р. Ўзи қани?

Милиционер. Дизертир, деб районга олиб кетаётибман. Ташқарида ўтирибди.

С а н о б а р. Олиб кириб.

Милиционер чап қўли боғланган Шокирни олиб киради.

Милиционер. Йигит зотига иснод келтирдинг, аҳмоқ.

С а н о б а р. Ростми?

Шокир. Шайтон... шайтон йўлдан урди, опа.

С а н о б а р. Уятсиз, номард. Қайси юз билан беш кўтариб юрасан энди?

Шокир. Билмай қолдим, опа. Кечиринг. Учта болам етим қолаётгандек бўлди-ю, шу ишга қўл урдим.

С а н о б а р. Бошқаларнинг боласи йўқми? Абдурайим уста тўққизта боласини ташлаб кетди урушга. Ўзи қўнгилли бўлиб кетди. Тешавой аканинг нечта боласи бор? Бешта. У ҳам урушда. Йўқ, сени шайтон йўлдан урган эмас. Ўзинг, ўзинг шундай қилгансан. Ўзинг шарманда бўлганинг майли, бутун қишлоққа иснод келтирдинг. Халқободдан дизертир, номард чиқибди, деган ном орттирдик энди.

Шокир. Айб менда, опа. Кечиринг... Рухсат беринг, гуноҳимни қоним билан юваман. Бораман уруш-

га. Утга, сувга ўзимни ташлайман, гуноҳимни юваман. Рухсат беринг. Ҳозироқ жўнайман урушга. Жон опа...

С а н о б а р. Сени энди ким оларди урушга?

Ш о к и р. Олади. Ялинаман. Оёқларига йиқиламан. Олишади. Жон опа, мени кечиринг. (Оёғига йиқилади.) Гуноҳимдан ўтинг.

С а н о б а р. Тур ўрнингдан. Кечагина туппа-тузук одам эдинг! Сени кўтармоқчи эдим. Ҳосилот қилмоқчи эдим. Урушдан ўзим олиб қолмоқчи эдим. Энди йўқол кўзимдан. Гуноҳингни мен кечирмайман. Гуноҳингни урушда жон бераётганлар кечирсин. Аммо улар ҳам кечирмаса керак. Йўқол кўзимдан. Ифлос... паст...

М и л и ц и о н е р. Нима қилдик, раис?

С а н о б а р. Болалари бўлмаганда судга топшир, дердим. Болалари бор. Бечоралар қандай бош кўгариб юради? Сарсонбой ака. Иложи борича жўнатинг фронтга. Уша ёқда ўлиб кетса, болаларининг бахти, омон қайтса...

М и л и ц и о н е р. Есть, ўртоқ Қамолова. Айтганингизни қиламан. Яхши йигит эди ўзи, ҳайронман... увол кетди... (Чиқиб кетади.)

Ф о т и м а (кириб). Илтимос билан келдим олдингга, Санобар.

С а н о б а р. Қел. Эшитаман.

Ф о т и м а. Уғлимга повестка келибди. Эртага жўнар эмиш.

С а н о б а р. Биламан. Хайрлашиб кетди, келиб.

Ф о т и м а. Олиб қол. Утиниб сўрайман. Олиб қол. Ундан бошқа ҳеч кимим қолмади.

С а н о б а р. Эсинг жойидами? Қандай қилиб олиб қоламан? Ҳамма кетяпти урушга. Кейин ҳаққим йўқ олиб қолишга. Қўл-оёғи бутун. Урушиб келсин эл қатори.

Ф о т и м а. Уғлим якка ўғил, сенинг Баҳромингга ўхшаб. Қайтиб келмаса, адойи-тамом бўламан. Илтимосимни қайтарма. Раиссан, обрўйинг баланд. Қулоқ солишади сенга, Санобар, ялинаман, олиб қол. Агар олиб қолсанг, ҳамма гиналаримни унутаман. Умр бўйи қулинг бўлиб ўтаман. Сочларимни супурги қилиб, уйингни супураман, Санобар... Улимимдан бурун ўлдирма мени.

С а н о б а р. Нималар деяпсан ўзи? Бекзода хотинга ярашмайдиган қилиқларни қилма.

Ф о т и м а. Ҳа, бекзодаман. Аммо бекзодани супрасигача қоқиб олдиларинг. Шу ўғлим қолди. Кўзимнинг

нури, яккаю ягонам. Тегманглар унга. Уни қолдиринглар ўзимга.

С а н о б а р. Душман эшик тагида турса-ю, сен шундай дейсанми? Ватан, эл деган нарсани биласанми ўзинг?

Ф о т и м а. Ватан — уйим, элимам — уйим, туғилиб ўсган жойим. Бошқаси билан ишим йўқ. Менга деса сел олиб кетмайдими дунёни. Уғлим омон бўлса бўлди.

С а н о б а р. Энди ўзингга келдинг, бойнинг қизи. Сенга ўзинг бўлсанг бўлди. Бошқа ҳеч ким, ҳеч нарса керакмас. Душман ғолиб келса, қайтанга хурсанд бўласан. Эшигингни ланг очиб берасан.

Ф о т и м а. Санобар... Ярамга туз сепма. Мен бой бўлиб, сен камбағал бўлган бўлсанг, ўчингни олдинг. Давр энди сеники. Эримни отанг ўлдирди. Акаларимни сен қаматдинг. Уғлимга тегма. Ерга бош уриб илтимос қиламан.

С а н о б а р. Ҳеч нарсани тушунмайсан. Совет ҳукуматига йигирма беш йил бўлди. Кўп адашганлар йўлини топиб кетди. Хатосини тушунди. Сен ўша-ўшасан. Дилинг нафрат, ғазаб билан тўла. Аммо ўғлинг сенларга ўхшамайди. У одам. Яхши одам. Тўғри йўлда у. Йўлидан қайтармайман. Сенга ҳам маслаҳатим шу.

Ф о т и м а. Сенда шафқат йўқ. Сен она нималигини билмайсан. Сенинг бошингга ҳам шундай кун тушсин. Ушанда кўраман нима қиларкансан. Йўқ, сен ўғлингни юбормайсан, ўлимнинг қаърига. Бошқалар ўлса-ўлсин, сенинг ўғлинг ўлмасин.

С а н о б а р. Фотима, кет.

Ф о т и м а. Кетаман. Лекин билиб қўй. Қарғаб ўтаман сени. Уғлим... ўғилгинам, ёлғизим... (кетади.)

С а н о б а р. Ҳалима? Сенмисан? Менга военкоматни улаб бер. Военкоматми? Ҳа, мен, Қамоловаман. «Шарқ Юлдузи»нинг раиси. Салом, ўртоқ Васильев. Илтимос билан телефон қиляпман. Бизда бир йигит бор. Мен уни ҳосилот қилмоқчи эдим. Ҳа, сўраган эдим. Узи кўнмаяпти. Ҳамма эркаклар фронтда. Мен ҳам бораман, деяпти. Юбормасаларинг, қочиб кетаман, деяпти. Бугун чап қўлини ўроқ кесиб олибди. Уч панжаси йўқ. Энди қолар десам, йўқ. Кўнмаяпти бари бир. Ҳозир олдингизга кетди. Ердан беринг. Уч панжаси йўқ бўлса ҳам фронтга керак бўлиб қолар. Раҳмат. Катта раҳмат. (Трубкани қўяди ва деразага тикилганича йўга толади.)

П а р д а

40 ёшдаги Санобар. Раҳмат. Сизни кўрганимдан хурсандман. Аммо олтмишга борганимда шундай қариб кетаман, юзларимни ажин босиб кетади, деб ўйламаган эдим.

60 ёшдаги Санобар. Чўрткесарлигинг қолмади, қолмади. Олтмишга борган бўлсам ҳам аёлман. Аёл кишига бундай қўпол гап айтиш уят.

40 ёшдаги Санобар. Сиз бегонамассиз-ку? Ўзимсиз. Ўзимга истаганимча қўпол гапиришим мумкин.

60 ёшдаги Санобар. Шундайку-я... Лекин қаҳринг қаттиқлиги бор.

40 ёшдаги Санобар. Вақт шунақа келиб қолди. Уруш кетяпти. Аёллигим бўлса... аёллигимни унутиб юборганман. Кетмон чопаман, трактор минаман... Вақт шунақа келиб қолди. Эркаклар учун ҳам ишлаш керак. Ҳамма эркаклар урушда, хафа бўлдингизми қариб қолибсиз деганимга?

60 ёшдаги Санобар. Йўқ. Ўзимдан нега хафа бўлай? Қўполлигинг, қаҳри қаттиқлигинг ҳам ўзимники. Сени кўргим келувди. Сен билан дардлашмоқчи эдим. Аммо кўриб турибман вақтинг йўқ. Ишинг бошингдан ошиб ётибди...

40 ёшдаги Санобар. Чинданам ишим бошимдан ошиб ётибди. Ҳозир районга, станцияга боришим керак.

60 ёшдаги Санобар. Бормайсан. Баҳром келади ҳозир.

40 ёшдаги Санобар. Баҳром Тошкентда. Унинг ҳозир қишлоқда қиладиган иши йўқ.

60 ёшдаги Санобар. Хайрлашгани келади у. Урушга кетяпти.

40 ёшдаги Санобар. Ахир у госпиталда якка хирург-ку? Нега кетар экан?

60 ёшдаги Санобар. Наҳотки Баҳромни билмасанг? У ўзингга ўхшайди, айтганини қилади.

40 ёшдаги Санобар. Юбормайман.

60 ёшдаги Санобар. Қошқийди юбормасанг. Мен ҳам тинч бўлардим. Умр бўйи эзилиб ўтмасдим. Рисолат ҳам эзилмасди.

40 ёшдаги Санобар. Рисолат ким?

60 ёшдаги Санобар. Уғлингнинг хотини...

40 ёшдаги Санобар. Унинг хотини йўқ. У уйланмаган ахир.

60 ёшдаги Санобар. Ҳали бутунлай уйланган эмас. Бирга туришибди холос. Тўйлари бугун бўлади.

40 ёшдаги Санобар. Тўй? Қанақа тўй? Баҳром... Баҳром уни қаердан топибди?

60 ёшдаги Санобар. Қизиқ гапларни гапирасан. Кўнгил тушса ернинг тагидан бўлса ҳам топади.

40 ёшдаги Санобар. Демак, Баҳром урушга кетади? Биттаю битта ўғлим урушга кетади.

60 ёшдаги Санобар. Йиғлама. Сенга ярашмайди. Ўзингни дадил тут. Битта сенинг ўғлинг кетаётгани йўқ. Ҳозиргина. Ҳозиргина Фотимани уришинг-ку, ўзинг.

40 ёшдаги Санобар. Йўқ, йўқ. Мен бунга чидамайман. Юбормайман ўғлимни. Юбормайман... Кимсиз ўзи? Қаердан бу шум хабарни олиб келдингиз? Мен сизни танимайман. Кетинг.

60 ёшдаги Санобар. Ўзингни бос. Шармандалик бу. Агар Баҳром, келинингнинг олдида ўзингни шундай тутсанг, Баҳром сендан уялади, ор қилади. У сени иродали, жасур аёл ҳисоблайди. Бу фикридан уни қайтарма. Ана ҳовлига кимдир кирди.

Бу Баҳром. Қирқдаги Санобар туриб кўзларини артади. Шифонер олдига боради. Олтмишдаги Санобар оҳиста ғойиб бўлади.

Тўғрироғи эътибор қирқлардаги Санобар ва у билан бўладиган воқеаларга кўчгани учун залдагилар уни кўришмайди. Офицер кийимида Баҳром киради.

Баҳром. Ойи...

40 ёшдаги Санобар. Баҳром, ўғлим...

Баҳром. Идорага борсам, ҳозиргина кетдилар, дейишди. Қўрқувдим тополмайманми сизни, деб.

40 ёшдаги Санобар. Қайси шамол учирди? Иш билан келдингми?

Баҳром. Ҳа, иш билан десам ҳам бўлади. Муҳими, сизни кўргани.

40 ёшдаги Санобар. Тилёғламалик қилмасдан гапиравер. Сени биламан-ку, вақтингни бекорга кетказмайсан.

Баҳром. Рост, бу гал, ойи, сизни кўргани келдим. Кетяпман.

40 ёшдаги Санобар. Кетяпсанми? Қаёққа?

Баҳром. Ойи, аввал бошқа гаплардан гаплашайлик. Мен ёлғиз эмасман. Меҳмон билан келганман.

40 ёшдаги Санобар. Қани?

Баҳром. Ҳовлида.

40 ёшдаги Санобар. Эси йўқ, меҳмонни ҳам ҳовлида қолдирасанми? Чақир буёққа!

Баҳром. Ҳозир. Аввал уни сизга таништираман. У қиз, ойи, мен билан ишлайди. Ҳамшира. Сезиб турибман, у сизга ёқади. Унга яхши муносабатда бўлишингизни истардим.

40 ёшдаги Санобар. Қизиқ гапларни гапирасан. Ўртоқларингнинг қайси бирига ёмон муносабатда бўлувдим?

Баҳром. Бу қиз... оддийгина ўртоқ эмас, ойи. У...

40 ёшдаги Санобар. Тушундим. Бир-бирларингни севасанлар...

Баҳром. Ҳа.

40 ёшдаги Санобар. Табриклайман. Муборак бўлсин. Аллақачон уйланишинг керак эди...

Баҳром. Биз, ойи... уйланганмиз...

40 ёшдаги Санобар. Нима?

Баҳром. Хафа бўлманг, ойи. Шундай бўлиб қолди. Унинг ҳеч кими йўқ, ёлғиз туради.

40 ёшдаги Санобар. Шунинг учун чидолмадингми?

Баҳром. Ойи, жаҳлингиз чиқмасин. Жуда ёмон кўраман, жаҳлингиз чиққанини. Бундай бўлади, деб ўйламаган эдим. У ҳам, мен ҳам. Лекин шундай бўлиб қолди. Мен... мен касал бўлиб, бир ҳафта ётиб қолдим. Шамоллабман шекилли. Шунда... шунда... ҳалиги...

40 ёшдаги Санобар. Шунда у қараб турди сенга, онанг буёқда қолиб. Шунда яқин бўлиб қолдиларинг. Шундайми?

Баҳром. Шундай, ойи. Сизни овора қилгим келмади.

40 ёшдаги Санобар. Меҳрибонсан-да. У турганда онангнинг нима кераги бор?

Баҳром. Ойи.

40 ёшдаги Санобар. Нима ойи? 20 йилдан бери ойман. Сендан бошқа ҳеч кимим йўқ. Орзуларим бор эди. Тўй қилмоқчи эдим. Бутун Халқободга ош бермоқчи эдим...

Баҳром. Берасиз. Қайтиб келай. Уруш тугасин.

40 ёшдаги Санобар. Ҳали урушга ҳам кетясанми?

Баҳром. Ҳа. Йўқ. Қим айтди? Шундай бир командировка.

40 ёшдаги Санобар. Ростини айт.

Баҳром. Командировка деяпман-ку. Украинага бораману қайтаман.

40 ёшдаги Санобар. Украинада уруш кетяпти-ку?

Баҳром. Ҳаммасидамас. Озод қилинган шаҳарлари бор-ку. Нега ишонмайсиз?

40 ёшдаги Санобар. Хўп, чақир. Кутиб қолди.

Баҳром. Ҳозир. Демак, келишдик-а, ойи? Ҳалиги, энг яқин одамингиздек...

40 ёшдаги Санобар. Чақир. Келишдик, деяпман-ку. Тўхта.

Баҳром. Лаббай, ойи?

40 ёшдаги Санобар. Балки неварам ҳам бордир қўлида?

Баҳром. Йўқ, ойи. Ҳали унга бор. Лекин ўғил туғиб бериши мумкин. Балки, ойи, сиз қиз истарсиз-а?

40 ёшдаги Санобар. Чақир. *(Баҳром кетади, кўп ўтмай Рисолат билан киради.)* Келинг, қизим. Санобар. Энди ойи десангиз ҳам бўлаверади.

Рисолат *(уялиб)*. Рисолат.

Баҳром. Ана, танишиб ҳам олдинглар. Қойил. Энди менга рухсат. Тинчгина кетсам бўлади. Фақат баъзи нарсаларимни олиб олишим керак. *(Ичкари хоналардан бирига кириб кетади)*.

40 ёшдаги Санобар. Командировкага кетяптими?

Рисолат *(ийманиб)*. Ҳа.

40 ёшдаги Санобар. Рисолат. Агар мен билан аҳил яшашни истасанг... Сенлаб гапирсам бўладими?

Рисолат. Ҳа.

40 ёшдаги Санобар. Агар мен билан аҳил яшашни истасанг, доим рост гапирасан: ҳеч нарсани яширмайсан. Келишдикми?

Рисолат. Ҳа.

40 ёшдаги Санобар. Командировкага кетяптими?

Рисолат. Йўқ.

40 ёшдаги Санобар. Урушга?

Рисолат. Ҳа. Ҳаракатдаги армияга. Олиб қолинг.

40 ёшдаги Санобар. Тушунарли. Фарбий Украинага? Шундайми?

Рисолат. Ҳа. Бугун кечқурун поездга чиқишла-



ри керак. Мен... сиз билан турармишман. Агар албатта қаршилик қилмасангиз?

40 ёшдаги Санобар. Нега энди, йўқ.

Рисолат. Ҳозир эмас, кейинчалик.

40 ёшдаги Санобар. Кейинчалик?

Рисолат. Ҳа.

40 ёшдаги Санобар. Тушунарли. Тўхта. Ростини гапиравер. Ҳозир қанча бўлди?

Рисолат. Нимага? Бирга турганимизгами?

40 ёшдаги Санобар. Бунинг менга аҳамияти йўқ. Болага.

Рисолат. Икки ой бўлиб қолди.

40 ёшдаги Санобар. Тушунарли. Ҳали билинмайди. ЗАГСдан ўтганмисизлар?

Рисолат. Йўқ. Баҳром акам бизники гражданский брак, деяртилар...

40 ёшдаги Санобар. Гражданский брак дегин? Тушунарли. Баҳром, Баҳром. Бор, чақир ўша гражданский бракдаги эрингни.

Рисолат. Қаёққа кетганларини билмайман.

40 ёшдаги Санобар. Мен қаердан билай? Бу энди сенинг уйинг. Топ. Мен ҳозир келаман.

Рисолат ичкари хонага, Санобар кўча томонга чиқиб кетишади. Баҳром киради, қўлида сочиқ. Кетидан Рисолат киради.

Баҳром. Ойим қанилар?

Рисолат. Ҳозир келаман, деб кетдилар. Баҳром ака!

Баҳром. Лаббай?

Рисолат. Мен чўчияпман.

Баҳром. Нега? Нимадан?

Рисолат. Ойингизга ёқмадим назаримда. Дарров болага шама қилдилар.

Баҳром (*кулади*). Она бўлгандан кейин яна нимага шама қилардилар? Хавотир олма. Яхши туриб кетасизлар? Ойим бекорга бировни хафа қилмайдилар. Сен ҳам...

Рисолат. Нима мен?

Баҳром. Сен ҳам ўзингни яхши тут.

Рисолат. Баҳром ака...

Баҳром. Мени кечир. Шунчаки айтдим-қўйдимда...

Рисолат. Аммо у кишидан ҳеч нарсани яшириб бўлмас экан. Шундай бўйнимдан олдилар-қўйдилар.

Баҳром. Айтиб қўйдингми?

Рисолат. Ҳа.

Баҳром. Секин ўзим айтмоқчи эдим, кетаётганимда. Нима дедилар?

Рисолат. Ҳеч нима. Тушунарли, дедилар қўдилар. Баҳром ака.

Баҳром. Нима дейсан?

Рисолат. Қатъийи қарорингиз?

Баҳром. Қатъий. Илтимос, иккинчи бу ҳақда гап-лашмайлик. Қисмга етиб боришим билан хабар берман. Тез-тез хат ёзиб тураман. Ҳар ҳафта, йўқ, ҳар ойда...

Рисолат. Баҳром ака. Бир нарсани сўрамоқчи эдим...

Баҳром. Хўш?

Рисолат. Отини нима қўямиз?

Баҳром. Буни оймдан сўра. Бутун Халқободга от қўйганлар.

Рисолат. Ўғил бўлса Илҳом қўямиз. Нима дейсиз?

Баҳром. Қарши эмасман. Яхшиси оймдан сўра.

Рисолат. Баҳром — Илҳом. Қофияси жуда келишиб турибди. Кейин қандайдир олим одамнинг нафаси келади, шу исмдан. Илҳом... Қиз бўлса, Муҳаббат қўямиз... Ўша сиз касал бўлиб ётган кичкина хонамиздан эсдалик. Майлими?

Баҳром. Майли. Ўзингга қара, хўпми?

Рисолат. Менга нима қиларди? Тезроқ қайтсангиз бўлди. Кузатиб қўяй.

Баҳром. Йўқ, дедим-ку. Бугун шу ерда қоласан. Эртага ойм сени Тошкентга жўнатади. Йўловчи машина топилиб қолар. Келишдикми?

40 ёшдаги Санобар. Келаверинглар, келаверинглар. Шошилмасак бўлмайди. Кечқурун жўнаши керак. Баҳром меҳмонларга қара. Рисолат, сен мен билан юр.

Хонага Саксонбой ота, яна икки-уч киши киришади.

Саксонбой. Салом, Баҳром ўғлим.

Баҳром. Ассалому алайкўм, Саксонбой ака. Яхши юрибсизми? Келинглар, келинглар.

Саксонбой. Табриклайман, ўғлим. Тўй бўлиб қолибди. Муборак бўлсин.

Баҳром. Қанақа тўй?

Саксонбой. Сенинг тўйинг. Ойинг айтди. Бутун қишлоққа хабар кетди. Баҳром уйланаётган эмиш, деб.

Баҳром. Наҳотки. Мен... мен...

Саксонбой. Ўзингни камтарликка солма. Ҳаммасини ойинг айтиб берди. Бутун қишлоқ йиғилади ҳозир уйингга. Никоҳдан кейин жўнайсан.

Баҳром. Никоҳ?

Саксонбой. Никоҳсиз тўй бўладими?

Баҳром. Ахир...

Маъпират. Баҳромжон ўғлим, яхши юрибсизми?

Баҳром. Э, Маъпират опа, яхшимисиз? Амакимлардан хабар борми?

Маъпират. Худога шукр, амакингиз тинч. Берлингача бораман, деб хат ёзбдилар.

Баҳром. Ҳа, яхши, яхши.

Гулчеҳра. Мени танидингизми, Баҳром ака? Мен Гулчеҳраман. Саксонбой аканинг неваралари.

Баҳром. Жуда яхши. Қани ўтиринглар.

Саксонбой. Ўтиришга ҳали эрта. Маъпират, сен жойларга қара. Мен қўчқорни сўйгани кетдим.

Маъпират. Нима овқат қиламиз?

Саксонбой. Ош-да. Паловхон тўра. Сабзи бор, пиёз бор. Гурунч ҳам топилиб қолар. Тўй бўлади-ю, ош қилмаймизми? Бир саҳоба Маккага борибдилар. Уч ой йўл юриб не-не азоблар билан Маккага етиб, Каъбага бошларини уриб, йиғлаб-сиқтаб қайтибдилар. Уйларига келибдилару кун сайин мазалари қоча бошлабди. Жон чиқар куни ҳазрати Азроил келиб, кунинг битди, тила тилагингни, Ҳожи, умр керакми, давлат керакми, дебди. Шунда саҳоба ҳеч нарса керакмас, фақат бир луқма ош бўлса бўлди, деган эканлар... Ўлдирса ҳам ош ўлдирсин, деган гап шундан қолган. Қани, Баҳром, юр, қўчқорнинг оёғидан ушлаб тур.

Саксонбой ака ва Баҳром чиқиб кетишади.

Гулчеҳра. Эҳ, қандай бахтли келин-а, Маъпират опа?

Маъпират. Ҳавасинг келяптими?

Гулчеҳра. Йўқ, мен кичкинаман ҳали. Иккала опам ҳам Баҳром ака деса ўлиб қолишарди... Мана энди битта шаҳарли келиб илди-кетди, шундоқ йигитни.

Маъпират. Овозингни ўчир, зумраша. Сенга ким қўйибди, бунақа гапларни.

Гулчеҳра. Айтдим-қўйдим-да...

Маъпират. Айтмай кет. Оч анави шкафни. Дастурхонларни ол. Вақт кетяпти.

Гулчеҳра. Хўп бўлади. Маъпират опа?

Маъпират. Ҳа?

Гулчеҳра. Келинойимнинг... Ҳа, майли.

Маъпират. Гапиравер.

Гулчеҳра. Келинойимнинг бўйларида бормиш-а?

Маъпират. Овозингни ўчир, зумраша. Қаёқдан эшитдинг бу гапни? Қим тарқата қолди?

Гулчеҳра. Рост экан-да демак?

Маъпират. Ёлғон. Фирт ёлғон. Сен кимдан эшитдинг?

Гулчеҳра. Анзират холам ойимга айтдилар.

Маъпират. Бўпти бўладигани, бечора келин. Бутун қишлоқ биледи энди.

Гулчеҳра. Нима қилибди?

Маъпират. Дард қипти. Ҳали тўй бўлмасдан шунақа гап тарқаша яхшимас.

Гулчеҳра. Менга бари бир. Бир-бирларини яхши кўришса бўлди.

Маъпират. Ҳой. Сен қарашгани келганмисан ё онахотинлардек гап сотганими? Бор қозонга сув солиб, олов ёқ. Буванг қўй сўйяптилар. Кеч бўлиб қолмасин. Эшитяпсанми?

Гулчеҳра кетади. Бирин-кетин аёл, эркак меҳмонлар кела бошлашади. Ҳаммасининг қўлида озми-кўпми тугун.

I-а ёл. Ҳорманг, Маъпиратхон? Тўйбоши ўзлари эканлар-да? Санобархон қанилар?

Маъпират. Келинлар, келинлар. Санобар опам шу ердалар. Келинни кийинтиряптилар.

II-а ёл. Вой, келинпошша шу ердамилар? Янгича тўй бўлибди-да, айланай?

III-а ёл. Санобархон омон бўлсин, доим бир янглиқ топиб юради. Қайнона келинни ясатяпти. Куёв бола, Баҳромжон ҳовлида энг шимариб ишлаб юрибди... Хўп ажаб кунлар келдими?

I-а ёл. Шошиб турсангиз айланай, энг шимариш экан-ку, сиз ковушингизни ҳам қўлингизга олиб олардингиз?

II-а ёл. Келин шошяптими, поездга, куёвми?

I-а ёл. Сизга барибир эмасми, айналай? Сизнинг поездингиз аллақачон кетиб қолган...

II-а ёл. Унақа деманг, Салтанатхон. Поездимга вақтида чиққанман. Утини кам эканми, нима бало, бир-икки пишиллади-ю, тўхтади қолди. Қачон юрар экан деб, пойлаб ётибман.

С л к с о н б о й. Бир оғиз айтмабсиз-да, мен ўтин олиб келиб берардим. Чарсиллаб ёнадиган қуруғидан.

II-а ёл. Бизнинг поезд бировнинг ўтини билан юрмайди. Поччангизни юборганман. Берлиндан олиб келадилар.

III-а ёл. Маза, маза, янги келинга маза. Тараша ёқса ҳам гувиллаб кетади, поезди.

М а ъ п и р а т. Маза қаёқда? Баҳромжон бугун кеч-қурун жўнайди урушга.

I-а ёл. Уруш ўлсин. Баҳромжонга ҳам навбат келибди-да.

М а ъ п и р а т. Ўзи кетяпти.

II-а ёл. Омон бўлсин ишқилиб. Санобархон шунга шошибдилар-да?

М а ъ п и р а т. Қелинини ҳеч кими йўқ. Уйларига олиб келяптилар.

III-а ёл. Умридан барак топсин Санобархон.

Ичкаридан Рисолатни етаклаб Санобар чиқади. Рисолат қайнонасининг ёшлигидаги кийимида. Эғнида оқ шоҳи кўйлак, бошида оқ рижим рўмол. Хуллас, ҳақиқий келиннинг ўзи.

40 ёшдаги Санобар. Мана меҳмонлар, танишиб қўйинглар. Қелиним — Рисолат. Қани ҳамма дастурхонга марҳамат қилсин. Келганлар келаверади. Баҳром қани? Баҳромни чақиринглар. Қелин-куёв тўрга ўтиради. Қани ўтиринглар. Бу тўй эмас. Бу ҳалиги... қарилар нима дейишарди? Патир ушатар. Тўйни Баҳром қайтгандан кейин, ҳамма йигитларимиз қайтганидан кейин қиламиз. Шишаларни очинглар. Мен бундай келин тушираман деб ўйламаган эдим. Ўғлим шошиб турибди. Бир кун, бир соат бўлса ҳам, ўша лаънати урушга оила, турмуш қувончини кўриб кетсин, дедим. Сизларни чақирдим. Ҳурмат қилиб келганларинг учун раҳмат. Баҳром — ўғлим, Рисолат — қизим. Энди қизимсан. Қўша қаринглар. Бахтли бўлинглар. Биринчи қадаҳ сизлар учун.

Р и с о л а т. Раҳмат, ойи.

Қимдир ашула бошлаб юборади.

Ҳой, ҳой ўлан, жоним ўлан, тўй бошланди, ёр-ёр...  
Ҳовлимизга келин тушди, кўз ёшланди, ёр-ёр...

Осмон тўла қалдирғоч, қушлар учди, ёр-ёр...

Уйланмаган йигитга ишқим тушди, ёр-ёр...

Баҳром. Энди менга рухсат.

40 ёшдаги Санобар. Дарров-а?

Баҳром. Кеч қоламан бўлмаса. Раҳмат, ойи. Ҳам-маларингга раҳмат.

Саксонбой. Қани, омин. Фашист дегани адоитамом бўлсин. Ҳамма йигитлар эсом-омон қайтишсин. Бу уйдан бахт-қувонч аримасин. Дастурхон атрофида ўтирганларнинг ҳаммаси ниятига етсин. Баҳром ўғлим, ой бориб, омон қайт. Оқ йўл сенга, ўғлим.

## Парда

### ОЛТИНЧИ КҰРИНИШ

Санобарнинг уйи. Олтмишдаги Санобар биринчи кўринишдаги ҳолатда ўтирибди. Ғамгин, паришон, ўз хаёллари оғушида. Хонага ҳасса таянган Фотима киради. Санобар уни кўрмайди. Фотима хонанинг ўртасига бориб, унга тикилади.

Фотима. Санобар.

Санобар. Нима? Нима гап?

Фотима. Бу мен, Фотимаман. Танимадингни?

Санобар. Ҳа, сенмисан? Кел. Нима ишинг бор?

Фотима. Сенда нима ишим бўларди? Сенда ишим йўқ. Кўргим келди сени, келдим.

Санобар. Сен бекорга келмайсан. Гапингни айту кет. Сенсиз ҳам ташвишим бошимдан ошиб ётибди.

Фотима. Биламан. Ташвишинг кўп. Айниқса бугунгиси.

Санобар. Нимани айтяпсан?

Фотима. Ўзингни гўлликка солма. Эшитдим. Неварангдан жудо бўлибсан.

Санобар. Қишлоқдагилар билишадими?

Фотима. Буни билмадим. Менга бу хабарни шаҳардан топиб келишди.

Санобар. Ҳа, неварам ҳалок бўлди...

Фотима. Яхши йигит эди. Жоин жаннатда бўлсин. Ёш эди ҳали, уйланиб бола-чақали бўлиши мумкин эди. Ким билсин, эвара кўрармидинг ҳали. Энди ҳеч киминг йўқ. Бир пайтлар гуркираган, бутун Бекободни ларзага солган уста Қамолнинг зоти қуриб битди.

Санобар. Шунни айтгани келдингми?

Фотима. Ҳа. Эримни отанг ўз қўли билан отиб ўлдирганидан бери худодан тилагим шу эди. Ниҳоят ниятимга етдим.

Санобар. Расво одамлигингни билардим. Аммо бунчалик пастсан, деб ўйламаган эдим. Эринг душман эди. Қанчанинг ёстиғини қуритди у. Қанчанинг молини талади. Қанчани номусига тегди. Ҳали қўлга тушмасидан у ўлимга маҳкум этилган эди. Отам экану мен, аёл бошим билан мен ҳам, агар тутиб олсам, отиб ташлардим эрингни.

Фотима. Биладан, сенда шафқат йўқ.

Санобар. Душманга нисбатан. Сенлар душман эдиларинг. Сен ҳали ҳам душмансан. Душман бўлиб гўрга кирасан. Аммо қўлингдан ҳеч нарса келмайди. Таг-томиринг билан ердан узиб олганмиз.

Фотима. Биладан, сенга ўхшаб «менинг» ҳам «авлодим» битган. Эримни отанг ўлдирди. Бой деб, босмачи деб. Акаларимни, ўғлимни сен ўлдирдинг. Сен... Кўргани кўзим йўқ сени. Бир нарса ҳалиям мени эзиб келади. Ушанда акаларим эрингни топишмади. Эринг номардларча қочиб кетди Бекободдан. Сени бўлса аёл, деб ўлдиришмади. Шунга ачинаман.

Санобар. Ким колхоз омборига ўт қўйди? Ким бир кечада ҳамма отларни бўғизлаб кетди. Ким Холмат фирқанинг ўғлини ўлдирди? Акаларинг. Улар тилидагина колхозга қўшилишди. Дилида эса душманлигича қолишди. Битта мен эмас, халқ уларни сургун қилди. Сургундагиларнинг қанчаси қайтди, урушда бўлди, ишляпти. Ўтмишини мутлақо унутиб юборди. Акаларинг-чи? Урушнинг биринчи куниёқ беному нишон йўқолишди. Ким билади, қайси қавакда заҳар бойлаб ётишган экан ҳозир? Ўғлингга ачинаман. Ичларингда ўғлинг одам эди. Сенлардан ор қиларди у. Урушга мен юборганим йўқ уни. Ўзи кетди.

Фотима. Ёлғон.

Санобар. Рост. Урушга ўзи кетди. Сенларнинг гуноҳларингни ювиш учун кетди. Қўнғилли бўлиб кетди.

Фотима. Нега менга айтмадинг?

Санобар. Сен тушунармидинг, айтаман? Кейин у... ўғлинг илтимос қилди. Ҳамма қатори кетяпти денг, деди. Айтганини қилдим. Лекин афсус, қайтмади.

Фотима. Барибир, сени ёмон кўраман. Менга қара. Яхшилаб қара. Мен сендан икки ёш кичикман. Аммо сендан эрта қаридим. Сен қаритдинг. Энди кў-

расан. Бир кечада менга етиб оласан. Ана, сочларингга оқ тушибди. Эртага қордек бўлади. Ҳа, ғам сени қуритади. Қўлингга менга ўхшаб ҳасса беради. Ана ўшанда сени яна бир кўргани келаман. Кейин ўлсам майли.

С а н о б а р. Йўқол. Уғлинг ҳурмати сени аяб келувдим. Бекор қилган эканман. Иккинчи бу уйга қадам босма. Сочим оқариши мумкин, ҳасса ҳам тутарман, лекин сенчалик адо бўлмайман. Ҳали кўп яшайман, сенга ўхшаганлар билан курашиш учун яшайман.

Ф о т и м а. Ана, эшитяпсанми?

С а н о б а р. Унга ҳам етказувдингми?

Ф о т и м а. Мен эмас, худо етказди.

С а н о б а р. Йўқол.

Ф о т и м а. Кетаман. Аммо билиб қўй. Сен мени душман дединг. Душман арзанда келининг. Эридан, ўғлидан жудо қилдинг уни. Битта мен эмас, энди у ҳам душманинг. Кутиб ол. Яша, кураш... Мен томоша қиламан.

Р и с о л а т. Ойижон. Бу қандай кўргилик? Илҳомимдан айрилиб қолибман-ку, ўғилгинамдан...

С а н о б а р. Узингни бос, Рисолат. Ҳа, Илҳомдан айрилиб қолдик.

Р и с о л а т. Нега? Нега энди? Уғлимнинг жони кимга керак бўлиб қолган экан? Вой, бу қандай кўргилик? Нима қиламан энди? Қандай яшайман? Уғлимсиз бу дунёнинг нима кераги бор менга?

С а н о б а р. Бошимизга кулфат тушиб қолди. Нима қилардик. Чидаш керак.

Р и с о л а т. Чидаш керак? Йигирма йилдан бери чидаб келяпман-ку, шу етмасмиди? Йигирма йилдан бери мени тийиб келасиз. Овозингни чиқарма дейсиз, йиғлама дейсиз. Айтганингизни қилиб келдим. Нима орттирдим? Уғлимнинг ўлигиними? Юрагимга сиққанча ўкираман. Нима қилардингиз? Дод дейман. Кўчага чиқиб уввос соламан.

С а н о б а р. Фойдаси нима? Уғлинг қайтиб келармиди?

Р и с о л а т. Сиз билмайсиз, ойи. Юрагим ёниб кетяпти. Ахир у ўғлим-ку, ўғлим. Сиз уни туғибсизми?

С а н о б а р. Бўлди. Тилингни тий. Сенинг ўғлинг бўлса, менинг неварам. Уғлимнинг ўғли. Қоним, жоним. Қани энди мен ҳам йиғлаёлсам? Ичим муз. Юрагим узилиб кетаётгандек, мадор йўқ.



Рисолат. Сиз йиғламайсиз. Сиз йиғлашни билмайсиз.

Санобар. Рисолат?

Рисолат. Ҳа. Сиз йиғлашни билмайсиз. Уғлингиздан қорахат келганда ҳам йиғламагансиз.

Санобар. Таъна қиляпсанми? Уят сенга. Уғлимдан... Баҳромдан қорахат келганда бутун вужудим йиғлаган, юрагим йиғлаган. Бир ҳафта хатни сендан яшириб юрганман. Охири чидолмай кўрсатганман.

Рисолат. Ўзим билмаганимда, Илҳомни ҳам айтмасдингиз.

Санобар. Айтмасдим. Айтолмасдим. Шунинг учун олиб бораман дедим олдига.

Рисолат. Илҳом. Илҳомжон, ўғлим... Мени қандай кунга солиб кетдинг? Энди нима қиламан сенсиз? Ҳаётим, қувончим ўзинг эдинг...

Санобар. Рисолат, болам, бўлди. Қийнама ўзингни. Уғлинг ўзича ўлиб кетгани йўқ. Душман билан олишиб ҳалок бўлди. Шундай ўғил билан фахрланиш керак. Эшитяпсанми, Рисолат!

Рисолат. Ҳаммасига сиз айбдорсиз, сиз, сиз...

Санобар. Рисолат?

Рисолат. Аёлмисиз ўзи? Нега одамларга ўхшаб яшамайсиз? Сизга ҳамма нарса кам. Ҳамма нарса ёмон. Сизга қолса, одамлар севги, қувонч, оила деган нарсаларни билишмаса. Ишласа, эртаю кеч далада кетмон чопишса. Ушанда Баҳромни қайтарганингизда у омон бўларди. Уйимиз ҳозир тўлиб турарди. Йўқ, бу сизга керак эмас. Одамлар сизни мақташса. Уйга ўт тушиб кетса ҳам майли. Ишингиз йўқ. Одамлар ёмон гапиришмаса бўлди. Аввал ўқи, армия қочиб кетмайди деганингизда Илҳом кетмасди. Болам ҳозир омон бўларди, олдимда бўларди. Йўқ... Санобар Қамолованинг невараси ҳаммага ўрнак бўлиши керак. Уқимасдан армияда хизмат қилиши керак, ўқимасдан далада кетмон чопиши керак. Уни кўриб, бошқалар ҳам шундай қилади. Бошқалар билан менинг нима ишим бор. Бошқалар менга ўғлимни тирилтириб берармиди. Биламан, биламан, нима учун бундай қилишингизни. Сиз ўзингизни яхши кўрасиз. Ҳа-ҳа, ўзингизни яхши кўрасиз. Шунинг учун ҳамма нарсага тайёрсиз. Уғлингиз, неварангизнинг ўлимига ҳам.

Санобар. Сенда шунча заҳар борлигини билмаган эканман. Бу гапларни қаердан топдинг? Қимдан ўргандинг? Йўқ, бу сенинг гапларинг эмас. Майли, чи-

дайман, Аммо билиб қўй, мени қаттиқ хафа қилдинг. Бўлди, бошимизга кулфат тушди. Дардимиз оғир. Болаларимнинг ўрнига мен ўла қолсам бўлмасмиди? Нега мен тирикман. Нега Баҳромнинг ўрнида мен юрибман. Уруш йўқ маҳали, тинчлик маҳали, нега менинг неварам нобуд бўлади. Эрталабдан бери шуни ўйлайман. Рисолат, қизим...

Рисолат. Мени... кечиринг, ойи. Ақлим қочди. Ахир... ахир ўзингиз айтинг, энди қандай яшайман? Кимим бор? Ким кўзимни ёпади ўлсам? Кечиринг, ойи...

Санобар. Бор, бирпас чўзил. Эрталаб вақтли йўлга чиқамиз.

## Парда

### ЕТТИНЧИ КҰРИНИШ

Санобарнинг уйи. 60 ёшдаги Санобар ўз хонасида. У яна ўз ҳаёли билан банд. Йигирма ёшдаги Санобар пайдо бўлади. Уйдаги кўп нарса унга таниш. Шунинг учун у ўзини эркин ҳис қилади.

60 ёшдаги Санобар. Санобар... Санобар...

20 ёшдаги Санобар. Мен келдим.

60 ёшдаги Санобар. Санобар. Бошимга кулфат тушиб қолди. Неварамдан айрилиб қолдим. Чегарани бузиб ўтаётганлар билан жангда ҳалок бўлди.

20 ёшдаги Санобар. Ҳалиям душманлар борми?

60 ёшдаги Санобар. Бор. Қам, лекин бор. Неварам ёшлигимга, сенга ўхшар эди. Қўзлари, қошлари, кулиб туриши... кўргим келди сени. Чунки, ёлғизман, ёлғизман жудаям. Баҳром ҳам мени деб урушга кетганмиш.

20 ёшдаги Санобар. Баҳром ким?

60 ёшдаги Санобар. Уғлим. Сенинг ўғлинг.

20 ёшдаги Санобар. Менинг ўғлим? Вой, ўғлим борми ҳали?

60 ёшдаги Санобар. Ҳа, етти ойдан кейин туғасан. Отини Баҳром қўясан.

20 ёшдаги Санобар. Демак, ўғил кўраман. Уғлимнинг ўғли бўлади. Қандай яхши. Унинг оти нима?

60 ёшдаги Санобар. Илҳом.

20 ёшдаги Санобар. Илҳом. Қандай яхши.

60 ёшдаги Санобар. Ҳозиргина Рисолат мени раижитди. Мен сабабчи эмишман унинг ўлимига. Аҳмоқ бўлмаса шундай дейдими? Биладан, жаҳл устида шундай деяпти. Лекин барибир одамга малол келар экан. Мен юборибманми уларни ўлимга? Унга оғир. Мени тушуняпсанми? Сен ахир тушунишинг керак-ку мени. Сен ўзимсан. Одамлар ҳар доим оғир пайтда ёшлигини эслашади. Ёшлигим — сен. Сен мени тушунишинг керак.

20 ёшдаги Санобар. Тушунаман. Ақлим етмаса ҳам, юрагим билан тушунаман.

60 ёшдаги Санобар. Шу гапларингни ўзи менга кифоя. Раҳмат. Менга қара, бунча бугун ясаниб олибсан?

20 ёшдаги Санобар. Бугун Мақсуд акам қайтишлари керак.

60 ёшдаги Санобар. Хаёлимдан кўтарилибди, у қаёққа кетган эди?

20 ёшдаги Санобар. Уч кун бўлди, Кўкоролдаги колхоз раисини ўлдириб кетишган. Шунини текширгани кетганлар. Эсладингизми?

60 ёшдаги Санобар. Ҳа, бўлди, эсимга тушди. Фотиманинг акалари ўлдирган Мардонқулни.

20 ёшдаги Санобар. Билмадим.

60 ёшдаги Санобар. Мен биладан. Чекистлар уларнинг уйдан Мардонқулнинг бешотарини топиб олишган. Кейин кўрганлар ҳам бўлган уларни Кўкоролда. Менга қара. Тўхта. Сен бугун эринг билан учрашма. Кет бу ердан.

20 ёшдаги Санобар. Нега энди? Соғиндим уларни жудаям. Уч кундан бери кўрганим йўқ. Кейин нега энди уйимдан кетар эканман?

60 ёшдаги Санобар. Менга қулоқ сол. Кет. Илтимос қиламан. Босмачилар эрингни қидириб келишади.

20 ёшдаги Санобар. Унда албатта уйда бўлишим керак. Мақсуд акамни ёлғиз ташлаб кетаманми?

60 ёшдаги Санобар. У сени яхши кўрмайди. У кўрқоқ, шахсиятпараст.

20 ёшдаги Санобар. Елғон, ҳақорат қилманг уларни. Жудаям яхши кўрадилар. Менсиз туролмайдилар. Бошларига кўтарадилар. Биз доим бирга бўламиз. Биласизми, биз нимага қарор қилдик?

60 ёшдаги Санобар. Хўш?

20 ёшдаги Санобар. Москвага ўқишга борамиз. Бирга ўқиймиз.

60 ёшдаги Санобар. Яна қайтариб айтаман, менга қулоқ сол.

20 ёшдаги Санобар. Бўлди. Бошқа гапирманг. Кетмайман, дедим, кетмайман. Нега энди ўз уйимдан кетар эканман? Босмачиларингиз билан мени қўрқитолмайсиз. Мақсуд акам нима бўлсалар, мен ҳам шу. Кейин билиб қўйинг. Мақсуд акамнинг тўппончалари бор. Ухлаётганда ёстиқнинг тагига қўйиб ётадилар. Айтингни, ўзи нима бўлиши мумкин?

60 ёшдаги Санобар. Фалокат юз беради деяман-ку. Нима бўлишини мен яхши биламан. Сен билмайсан ҳали. Шундай фалокатки, ўзингни умр бўйи қийнаб ўтасан. Илтимос қиламан, кет.

20 ёшдаги Санобар. Кетмайман. Нима бўлса бўлар. Тўхтанг, наҳотки... наҳотки, Мақсуд акамни ўлдириб кетишса?

Мақсуд киради.

Санобар. Шунақанги қўрқдим. Шунақанги қўрқдим.

Мақсуд. Тентак. Нимадан қўрқасан? Мени еб қўйишармиди?

Санобар. Ўлдириб кетишса-чи? Улар кўпчилик. Сиз бир ўзингизсиз.

Мақсуд. Улар мени ўлдиргунча қараб турар эканман-да. Мени ким деб ўйлаяпсан? Мендан иккаловиям қўрқади. Султонбегиям, Арслонбегиям. Бузоқнинг чопгани сомонхонагача. Барибир тутаман уларни.

Санобар. Мардонқул акага одам ачинади. Бешта боласи етим қолди, энди.

Мақсуд. Айб ўзида. Ёнида тўппончаси бўла туриб, қаршилик кўрсатмаган.

Санобар. Билмай қолгандир-да?

Мақсуд. Қаёқда билмайди. Атрофингда душман бору тинч юраверасанми? Шундай пешонасидан отиб ташлашибди аблаҳлар. Тошкентга хабар қилдим. Отряд юборинглар, дедим. Отряд келгунча ўзим уларни гумдон қилсам, дейман.

Санобар. Ўзингизга эҳтиёт бўлинг. Қўрқаман.

Мақсуд. Қўрқма. Мен осонликча уларга ем бўладиганлардан эмасман. Чучварани хом санашмасин улар. Хўш, ўзинг қалайсан? Соғиндингми?

Санобар. Жудаям. Атайлаб бугун ишдан эрта қайтдим.

Мақсуд. Женсовет қалай?

Санобар. Яхши. Клуб очамиз яқинда. Ҳамма хотинларни ўқитамиз. Бугун наркомпросдан келиб кеттиди. Мақташди бизни.

Мақсуд. Мақташга ҳали эрта. Бекободда бирон-та чаласавод одам қолмаслиги керак. Ана ўшанда мақташса бўлади. Майли, манави ярамасларни бир ёқлик қилай, ўзим ёрдам бераман. Овқат-повқатинг борми?

Санобар. Ош қияпман. Сизни пойлаб турувдим, гуруч солишга.

Мақсуд. Солавер. Қорним пиёзнинг пўсти бўлиб кетди.

Эшик тақиллайди.

Санобар. Ҳозир.

Мақсуд. Санобар, Санобар. Буёққа қара. Эшикни биров тақиллатяпти. Қара.

Санобар. Фотиманинг акалари. Энди нима қиламиз?

Мақсуд. Нима қиламиз? Билмадим. Аксига олиб ёлғиз келганман. Билишибди-да. Қолаверсам бўлар экан Кўкоролда. Эртага милиционерлар билан бирга келардим. Очмагунингча қўйишмайди. Кўпчиликми?

Санобар. Икки кишилиги аниқ. Иккаловининг овозини эшитдим.

Мақсуд. Ҳа, улар ёлғиз юришмайди. Нима қилсам экан?

Санобар. Яхшиси қочайлик, девор орқали.

Мақсуд. Сен нима қиласан қочиб? Сенга тегишмайди. Мени... ўлдиришади. Шартта отиб ташлашади мушук боласидек...

Санобар. Унақа деманг. Яхшиси қочинг.

Мақсуд. Йўқ, тутиб олишади. Девор тағидаям одамлари бўлиши керак. Яхшиси, бекинаман. Нима дейсан? Ҳа, шундай қиламиз. Кўкоролдан қайтмадилар дейсан. Кожанкани бер, кўриб қолишмасин.

Фотиманинг акалари кирншади.

Арслонбек. Нега очмайсан эшикни, қанжиқ?

Санобар. Нима керак сизларга?

Султонбек. Уҳ-ҳў. Женсоветнинг овози баландку? Ашулаям айтсанг керак-а? Эринг қани?

Санобар. Билмайман. Кўкоролга кетганларича қайтганлари йўқ.

Султонбек. Алдама. Кўкоролдан келяпмиз. Уёқ-да йўқ.

Санобар. Билмайман. Келганлари йўқ.

Султонбек. Шундай дегин? Алдаётган бўлсанг-чи? Алдаётган бўлсанг, мана шу узун сочинг билан мана шундай бўйнингдан ўраб нафасингни ўчираман-қўяман.

Санобар. Қўйиб юбор, аблаҳ.

Султонбек. Жим. Арслон, қара ичкари уйларни. Эринг, тирранча, ҳаддидан ошяпти. Айтдик, бизни тинч қўй, деб. Қулоқ солмади. Энди ўзидан кўрсин. Сен чиндан ҳам уста Камолнинг қизимсан, а? Илгари яхши қарамаган эканман. Тузук экансан, а? Жудаям тузук экансан. Эринг маза қипти.

Арслонбек қайтиб киради.

Арслонбек. Ҳеч қаерда йўқ. Келмаганга ўхшайди ҳали.

Султонбек. Ҳечқиси йўқ, кутамиз. Келади. Шундай хотинини ташлаб қўярмиди? Арслон, тузук-ку, бу, а?

Арслонбек. Тешиб чиқмайди.

Султонбек. Гапинг тўғри. Тешиб чиқмайди. Арслон, сен шу ерда тур. Бизни женсовет билан озгина шахсий гапимиз бор.

Санобар. Мени сенлар билан гаплашадиган гапим йўқ. Қўйиб юбор.

Султонбек. Мени гапим бор. Жуда яхши гапим бор. Қани, юр-чи. Юр деяпман, қанжиқ.

Санобар. Бормайман, гапингни гапиравер.

Арслонбек. Қўйсанг-чи, ака. Ҳозир келиб қолиши мумкин.

Султонбек. Келсин. Хотинининг қўли очиқ экан, кўрсин.

Санобар. Иблис. Қўйиб юбор мени. Додлайман. Мақсуд, ойи...

Султонбек. Қаттиқроқ бақир. Балки эшитиб келиб қолар. Қани юр, балки шу ердадир-а? Балки тахмонга бекиниб олгандир?

Санобар. Йўқ. Айтяпман-ку келгани йўқ, деб. Тахмонга тегма. Тахмонда... тахмонда келинлигимдаги кийимларим.

Арслонбек. Тўғри, ака. Сиз билмайсиз. Кузда бўлган эди тўйлари.

**Султонбек.** Ҳали ёш келинчакман дегин. Ҳа, эринг маза қилибди. Қани юр. Юр деяпман, итдан тарқаган.

Султонбек Санобарни судраб ичкарига олиб кириб кетади. У ердан Санобарнинг додлагани, ниманингдир сингани, йиртилгани эшитилади. Арслонбек улар кириб кетган хонанинг эшиги ёнига бориб қулоқ солади, мийғида кулиб қўяди. Ичкаридан Санобарнинг инграгани эшитилади. Арслонбек стулга келиб ўтиради, бешотарини кинидан олиб, тозалай бошлайди ва минғиллаб босмачилар термасини айта бошлайди.

Осмон тўла қалдирғоч  
Гала-гала учади.  
Биз ўлсак суюкли ёр  
Айтинг, кимни қучади?

Осмон тўла қалдирғоч  
Гала-гала учади.  
Биз ўлсак суюкли ёр  
Большовойни қучади.

Султонбек чиқади.

**Султонбек.** Даюс. Қилдеккина десам, ҳўкиздедек кучи бор экан. Қўлимни ёмон тишлади.

**Арслонбек.** Ака, шу ишни бекор қилдингиз. Бунақада ким бизга қўшиларди? Ҳалиям ўзи камайиб кетяпмиз.

**Султонбек.** Юр, кетдик. Уни йўлда пойлаймиз энди. Барибир қочиб қутулмайди.

Улар кетишади. Сочлари тўзиган, қўйлаги йиртилган Санобар ичкаридан чиқади. Эшик кесақисига мадорсиз суянади. Таҳмондан Мақсуд мўралайди. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, пастга тушади ва шундагина Санобарни кўриб қолади.

**Мақсуд.** Санобар? Жоним, сенга нима бўлди?

**Санобар.** Ҳеч нарса... менга ҳеч нарса бўлгани йўқ. Сиз... сиз... қўрқманг. Улар кетишди...

**Мақсуд.** Лаънатилар, майли. Улар мендан барибир қочиб қутулишолмайди. Додини бераман уларни. Ёмон уришдими? Додлаганингни эшитдим. Аблаҳлар. Буёққа ўтир. Бошқа қўйлагингни кийиб ол. Қаерда, мен олиб бераман. Қўкрагингни беркитиб ол.

**Санобар.** Уялдингизми мени шундай кўргани? Улар... Улар менинг номусимга тегишди. Эшитяпсизми, улар мени зўрлашди. Султонбек...

**Мақсуд.** Нима деяпсан ўзи, Санобар?

С а н о б а р. Эшитмадингизми уларнинг гапини. Улар мени хўрлашди. Хўрлашди... Сиз бўлса бекиниб ётибсиз тахмонда...

М а қ с у д. Билганим йўқ. Қўрқитяпти, деб ўйладим холос.

С а н о б а р. Шундоқ денг. Йўқолинг, йўқол кўзимдан.

М а қ с у д. Нима деяпсан, Санобар? Жинни бўлдингми?

С а н о б а р. Йўқол деяпман. Номард.

П а р д а

## САҚҚИЗИНЧИ КҲРИНИШ

Санобарнинг уйи. Олтмишдаги Санобар стол ёнида бошини қўллари устига қўйиб ўтирибди. Эшик олдида кекса М а қ с у д И б р о х и м о в турибди. У қариган, сочлари оқ, соқол, мўйлови оқ... Келганига анча бўлган бўлса керак, дам ўтмай оғирлигини бир оёғидан иккинчи оёғига олиб турибди. Кўзлари Санобарда.

М а қ с у д. Санобар.

С а н о б а р (бошини кўтариб). Сизмисиз?

М а қ с у д. Ҳа, мен, Санобар...

С а н о б а р. Ҳозиргина хаёлимдан ўтган эдингиз... Хўш, келинг, қайси шамол учирди?

М а қ с у д. Эшитдим. Эшитдим уша заҳоти йўлга тушдим. Илҳомжондан айрилиб қолибмиз...

С а н о б а р. Ҳа. Шу билан Қамоловлар авлодида эркак зоти қолмади. Иккита хотин қолди. Мену унинг шўрлик онаси...

М а қ с у д. Мени кечиринг, Санобар. Мени кўриш сизга қанчалик оғир. Биладан. Келишдан олдин узоқ ўйладим. Дард зўрлик қилди. Шу оғир дамда ёлғиз қолманг, деб ҳузурингизга келдим.

С а н о б а р. Раҳмат, ўртоқ профессор. Кўришмаганимизга ҳам анча бўлди шекилли? Адашмасам, Баҳромдан қорахат келганда охирги марта келган эдингиз.

М а қ с у д. Ҳа. Ушанда. Санобар...

С а н о б а р. Босмачилик ҳаракати ҳақидаги китобингизни ўқидим. Умуман яхши ёзгансиз. Тил равон, воқеалар жонли. Лекин қизиқ. Бекободни мутлақо тилга олмасиз. Атайин ёзмадингизми? Ё материал



камлик қилдими? Бир аёл бор эди, Бекободда. Ёш, дов-  
юрак. Женсоветда ишларди. Номард эри уни босма-  
чилар зўрлашганда тахмонда беркиниб ётган эди.

**Мақсуд.** Санобар. Утинаман, эски гапни қўзга-  
манг. Уша ёшликдаги гуноҳимни ювиш учун, ўзимни  
ўтга, сувга урдим. Кечиринг. Шу оппоқ соқолим ҳур-  
мати, гуноҳимдан ўтинг. Яна бирга бўлайлик. Ҳеч  
кимимиз қолмади. На ўғил... на неварар... Ёлғиз қолдик.  
Жуда бўлмаса энди, таянчларимиз йўқолганда икки-  
миз икки ёқда сарсон бўлиб юрмайлик. Қолган умримиз-  
ни бир-биримизга суяниб, бир-биримизни аяб ўтказай-  
лик... Мен... мен бахтсизман. Сиздан айрилганимдан бери  
севинч, бахт нима, билмайман. Сиз ҳам... сиздан ҳам  
бахт қочди... эшитяпсизми, Санобар? Ҳар ҳолда ўғ-  
лингизнинг отаси эдим, неварангизга бобо...

**Санобар.** Уғлимнинг отаси босмачилар билан  
курашда ҳалок бўлган. У ўқитувчи эди. Иродали, дов-  
юрак одам эди. Уни ҳамма ҳурмат қиларди. Уғлимга  
ҳам, неварамга ҳам шу афсонани тўқиганман. Мақсуд  
Иброҳимов шундай одам эди, деганман. Мен фарзанд-  
ларимни мард, дўстга меҳрибон, душманга шафқатсиз  
қилиб ўстиргим келди. Улар шундай ўсишди.

**Мақсуд.** Аммо улар йўқ.

**Санобар.** Бор. Мен учун улар ҳамиша тирик.  
Улар Ватанни ҳимоя қиламан деб, мардларча ҳалок  
бўлишди. Мен улар билан фахрланаман. Мен урушга  
бормайман, деб, оламни сел олиб кетса ҳам ўзим омон  
қолай деб, қўлини чопиб ташлаганларни кўрдим. Ўл-  
май деб, асир тушганларни, ўлмай деб душман ки-  
йимини кийганларни кўрдим. Фарзандларидан ор қи-  
либ, аламидан ўлиб кетганларни кўрдим. Менинг  
бошимга бундай мусибат тушгани йўқ. Бахтсизсан де-  
япсиз. Йўқ, мен бахтлиман. Мен ҳаётнинг ҳамма ач-  
чиқ-чучугини тортдим. Гам, ўлим, ёв қадамимни пой-  
лаб юрди. Йиқилсам, шундай бўғзимдан олар эди.  
Номусимга тегишди. Мен йиқилмадим. Уғлимдан, не-  
варамдан жудо бўлдим. Аммо мен йиқилмадим. Мен  
бахтлиман. Бахтим — одамларда. Мен қуш учса қано-  
ти, одам юрса оёғи куядиган чўлу биёбонга жон ато  
қилдим, сув олиб чиқдим. Янтоқ макон қилиб келган  
жойларда пахта ундирдим. Ҳар бир хонадонда мен  
азиз меҳмонман. Қарияларга сингилман, ёшларга она.  
Яна қандай бахт керак менга? Фақат бир нарсага аф-  
сусланаман. Умр ўтиб боряпти. Қиладиган ишларим  
кўп ҳали. Айниқса энди. Энди мен фақат ўзим учун

эмас, ўғлим, неварам учун ҳам ишлашим керак. Ҳар кун кечқурун ботаётган қуёшга қараб, уни тўхтатгим келади. «Шошма, Қуёш, яна бир оз нурунгни сочиб тур, ишларимни тугатиб олай!» дегим келади. Сизга бўлса гапим шу. Энди келманг бу уйга. Сизни ўша, номусим вайрон бўлган кун юрагимдан шартта узиб ташлаганман. Кетинг. Шошиб турибман. Кун ботяпти. Тўйга боришим керак...

Мақсуд. Тўйга?

Санобар. Ҳа, тўйга. Ғам билан қувонч кўпинча эгизак келади. Бормасам бўлмайди. Ёшлар турмуш қуришяпти... Тўйни мен очиб беришим керак.

Мақсуд. Лекин ақлим бовар қилмаяпти. Ўзингиз шу аҳволдасиз-у, қандай очасиз тўйни?

Санобар. Мен бугун уйланаётган йигитда Илҳомни кўриб турибман. Унга умр тилайман. Бахт тилайман. Топганинг билан қўша қари, дейман. Аёлларнинг жони қаттиқ бўлади, шу билан бирга дили қилдан ҳам нозик бўлади, дейман. Уни асра. Унга гард қўндирма, дейман. Катта ҳаётга қадам қўйибсизлар, оқ йўл сизларга, дейман. Йўлингиз бехатар бўлсин, босган изларингиз гул бўлсин, дейман...

«ЙУЛ БУЛСИН» ашуласи эшитилади. У кўтарилиб, тингунча сахна олдида Санобар унинг орқасида Мақсуд ўз хаёллари оғушида ашулага қулоқ солиб туришади.

Парда

1977—78 йиллар.